*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 15 июнь
ЧОРШАНБА
№ 135 (4.331).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

Факт ва шарҳ

## ҒАЛЛА — ОМБОРГА

**Қашқадарё областининг қўриқ хўжаликларидаги ғаллакорлар давлатга дон топширилгани тўғрисида биринчи квитанцияларни олишди. Бугун бу ерда ғалланы оммавий равишда ўриб-йиғиб олиш ва янчишга киришилди. Область далаларида мўл ҳосил етиштирилди — лалми ерларнинг ҳар гектаридан камида 11 центнер арпа олинмоқда. Анъанага кўра, Фарғона водийсининг тажрибали механизаторлари ғалланы ўриб-йиғиб олишда ёрдам берадилар. Бу йил қўриқ ўлкадаги ғалла корхоналари юз минг тоннадан кўпроқ сара донни қабул қилиб олади.**

Қаршидан олинган хабарни Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетининг бош мутахассиси М. КАРИМОВ шарҳлайди:

Ўрим-йиғим ишлари республиканинг бошқа областларида ҳам авж олиб бормоқда. Ҳозиргача сал кам уч минг та комбайн далаларга чиқарилган бўлиб, ҳар куни уларнинг ҳар бири билан беш тоннадан кўпроқ дон янчилмоқда. Тез орада уларнинг ёнига яна 2 мингтадан кўпроқ ғалла ўриш машинаси қўшилади. Хўжаликларда ишлаётган транспорт отрядлари дала-хирмон-омбор конвейерининг аниқ-пухта ишлашини таъминламоқда.

Бу йил лалми ерлар одатдагидан ташқари мўл ҳосил берди. Ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 16 центнер дон етиштирилди. Сурхондарё областида эса лалми ер ҳатто 18 центнердан ҳосил бермоқда. Фарғона водийсидаги суғорма ерларда энг яхши кўрсаткичларга эришилди. Бу ерда деҳқонлар 28—30 центнерлик ҳосил етиштирдилар. Қулай об-ҳаво шароитлари, шунингдек республика ғаллакорлари коллектив пудратга ўтганликлари мана шунга имкон берди. Бундан ташқари дала механизаторлари райком ва район ижроия комитетларининг майда-чуйда ишларга аралашаверишидан халос этилган. Мана шуларнинг ҳаммаси топширилаётган донинг яхши сифатли бўлишини ва қўплаб дон янчиб олинишини таъминламоқда.

Ҳар куни республикада 14 минг гектардан кўпроқ ердаги ғалла ўриб-йиғиб олинмоқда. Ўзбекистон хўжаликларининг механизаторлари 708 минг гектар ердан жами сал кам 700 минг тонна дон топширишни мўлжалламоқдалар.

Марҳамат районидаги «Комсомол 60 йиллиги» совхози озуқакорлари 249 гектар майдонда мўл беда етиштирдилар. Айни кунларда биринчи ўрим жадал бормоқда. Меҳнат аҳли ҳосилдорликни гектар ҳисобига 250 центнерга етказишни мўлжаллаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Звено бошлиғи А. Бозоров. 2. Ўрим пайти.

Р. АШУРОВ фотолари. (ЎзТАГ).

## Кўргазмани бориб кўрдилар

Мамлакатимизнинг ҳамма томонидан Тошкентга келган мутахассислар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида очилган халқаро кўргазмага паррандачиликнинг эртанги куни деб баҳо бердилар. Ўзбекистон ва бошқа иттифоқдош республикаларнинг паррандачилик корхоналарида яқин келажакда маҳсулотни қайта ишловчи қудратли комплекслар, маҳсулотни ўраб-жойлайдиган автоматлар, компьютер техникаси мустаҳкам жой олади. Тошкентда намойиш этилаётган экспозиция мутахассисларга тармоқ тараққиётининг жаҳон даражаси билан танишиш, янги технологияларни ва замонавий техникани практикага жорий этиш йўлларини белгилаш имконини беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари ва аъзолигига кандидатлар Р. Н. Нишонов, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, В. И. Огарок, П. Ҳабибуллаев, И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари И. Искандаров, Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, В. В. Сударенков 13 июнь куни «Паррандачилик —88» халқаро кўргазмасини бориб кўрдилар.

(ЎзТАГ).

## ЗАФАР САТРЛАРИ

Редакциямизга оқиб келаётган хат-хабарларнинг аксарияти беш йилликнинг учинчи йилида қўлга киритилаётган меҳнат муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилади. Жамоатчи мухбирларимиз жойларда Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига авж олдирилган мусобақа ҳақида завқ-шавқ билан ёзишади.

### БАҲМАЛ

**СССР Озиқ-овқат программаси ижросига баракали улуш қўшиш учун астойдил курашаётган «Баҳмал» совхози бўрдоқибоқарлари яриm йиллик планни муддатидан илгари ошиғи билан адо этишди. Давлат қабул пунктларига 257 ўрнига 335 тонна семиз гўшт топширилди. Ҳар бош қорамол 450—460 килограммдан тош босди. СССР Давлат мукофоти лауреати, КПСС XXVII съезди делегати Неъмат Назаров бригадаси хўжаликда алоҳида ибрат кўрсатди.**

А. Эргашев.

### ҚИТОБ

**Навоий номли совхоз сигирсоғарлари давлатга 259 тонна сут топшириб, бу борадаги ярим йиллик маррани забт этишди. Теша Муҳаммаднев бошқарувчилик қилаётган ферма коллективи мусобақанинг олдинги сафида бораяпти. Бу ерда 215 бош говмишнинг ҳар биридан кунига 10—11 килограммдан сут соғиплаётир. Мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 килограмм кўпдир. Оқ чашма соҳибалари Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунгача етти ойлик планни бажаришга қарор қилишган.**

С. Исомиддинов.

### ҚИРОВ

**Паррандачиликни ривожлантириш учун астойдил курашаётган район чорвадорлари яриm йиллик планни адо этдилар: давлатга 570 минг дона тухум ўрнига 594 минг дона тухум етказиб беришди. Бу муваффақиятда вақтдан ўзиб ишлаётган Қиров номли, «Бешариқ» совхозлари «Москва» колхози парранда-боқарларининг ҳиссалари алоҳида.**

У. Қурбонов.

### ТЎРТҚЎЛ

**Меҳнат Қизил Байроқ ордени совхоз паррандабоқарлари тухум тайёрлаш бўйича йиллик планни 101 процент адо этдилар. Давлатга пландаги 178 минг ўрнига 179 минг дона тухум топширилди. Бу муваффақиятда оилавий пудратни жорий этиш ҳал қилувчи роль ўйнади.**

Ж. Аширов.

### ҒИЖДУВОН

**КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларини зўр қизиқиш билан ўрганиб, бу муҳим ҳужжатни ўзларининг иш программаси деб қабул қилган «Коммунизм» колхозининг оилавий пудрат асосида ишлаётган паррандабоқарлари давлатга 46 минг дона тухум топширдилар. Бу яриm йиллик пландагига нисбатан 2 минг дона кўпдир. Турсун Мавлонов ва Хушвақт Мавлоновалар эришилган муваффақиятдан руҳланиб, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунгача яна 2 минг дона тухум топширишга аҳд қилишди.**

А. Аҳадов.

### БАЛИҚЧИ

**Кумуш тола етиштиришда бой тажриба тўплаган М. Горький номли совхоз пилачилари юксак социалистик мажбуриятни бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Давлатга саноат учун қимматли 21,5 тонна хом ашё топширилди. Йиллик планни 138,2 процент уддалаган Исмонлжон Умрзоқов бошлиқ бригада бу муваффақиятга салмоқли улуш қўшди.**

С. Йигиталиев.

## М. С. ГОРБАЧЕВ НАЖИБУЛЛО БИЛАН УЧРАШДИ

13 июнь куни Кремлда М. С. Горбачев БМТ Бош ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган махсус сессияси ишида қатнашган Афғонистон Республикаси президенти Нажибулло билан учрашди. Ҳозирги жаҳон сиёсатининг ғоят муҳим йўналишига бағишланган ана шу сессия тўғрисида фикрлашиб олинди. Президент Нажибулло расмий визит билан борган Куба тўғрисидаги таассуротларини ўртоқлашди. Фидель Кастро билан дўстона суҳбатлари ҳақида сўзлаб берди.

Шу муносабат билан жуда катта халқаро проблемалар тилга олинди, совет ва афғон раҳбариятининг фикрлари бирлиги, уларнинг халқаро муносабатларда кучайиб бораётган ижобий жараёнларга кўмаклашишга тайёр эканликлари таъкидланди.

М. С. Горбачев билан Нажибулло бундан икки ҳафта муқаддам Москвада бошланган масалалар муҳокамасини давом эттирдилар. Булар совет қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ масалалардир. Женева битимлари қандай бажарилаётганлиги, шунингдек турли соҳаларда Совет—Афғонистон ҳамкорлигига доир баъзи энг муҳим муаммолар ҳам муҳокама қилинди. Қуролланган оппозиция бир қисмининг Афғонистонда миллий яраш йўли амалга оширилишини барбод этишга уринаётганига қарамай, бу йўлни аҳоли ва аввалига уни рад этган кучлар тобора кўпроқ англаб етаётганликлари қайд этиб ўтилди. Бу сиёсат бародаркушликдан иборат қуролли курашни тўхтатишга, мамлакат тақдири тўғрисида астойдил жон куйдираётган истисносиз барча кучлар иштирокида афғон халқининг анъаналари ва муддаоларига мос бўлиб тушадиган мамлакатни бошқариш механизмини вужудга келтиришга қаратилгандир. Бу чинакам миллий ёндашувдир, деб таъкидлади М. С. Горбачев.

Бизнинг Афғонистонга нисбатан ҳеч қандай махфий режаларимиз йўқ. Бизнинг сиёсатимиз афғон халқини ва унинг қадриятларини ҳурмат қилишга, унинг мустақиллигини, қўшилмаслигини тўла эътироф этишга асосланади. Мустақил, қўшилмаган мамлакат сифатида Афғонистон халқаро майдонда яна ҳамманинг эътирофини қайта тиклаб, ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликка шай бўлганларнинг ҳаммаси билан шундай ҳамкорликни йўлга қўя олади. Афғонистон билан 2000 километрли чегарага эга бўлган ва қадимдан яхши қўшни бўлиб келаётган Совет Иттифоқи айни мана шундай ёндашувдан манфаатдордир.

Покистон маъмурияти Женева битимларини бузаётганлигидан жиддий ташвиш билдирилди. Совет Иттифоқи билан Афғонистон БМТнинг контро механизми бундай практикага чек қўйиш учун ниҳоят, самарали чоралар кўради, деб умид қилади. Агар шундай практика давом этаверадиган бўлса, у ғоят қатъий жавоб ҳаракатлари қилишга мажбур этади.

Совет Иттифоқи билан Афғонистон раҳбарлари Совет Иттифоқи бераётган ёрдамдан ва икки томонлама ҳамкорликдан Афғонистон экономикасини қайта тиклаш, социал сиёсатни рўёбга чиқариш ҳамда қайтиб келаётган қочоқларни жойлаштириш учун янада оқилона фойдаланиш кераклиги тўғрисида ҳам аҳдлашиб олдилар.

Учрашувда Э. А. Шеварднадзе билан А. Ф. Добрынин иштирок этдилар.

(ТАСС).

## М. С. ГОРБАЧЕВ КАРДИНАЛ А. КАЗАРОЛИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

М. С. Горбачев 13 июнь куни Кремлда СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе билан бирга Ватикан давлат секретари (ҳукумат бошлиғи), кардинал Агостино Казаролини қабул қилди. А. Казароли Руссияда христианлик жорий этилганлигининг 1000 йиллиги муносабати билан Москвага келган. Кардинал М. С. Горбачевга Рим папаси Иоанн Павел II нинг шахсий мактубини топширди.

Бу — бутун тарих мобайнида совет раҳбарининг католик черкови шу қадар олий мартабали намояндаси билан биринчи учрашуви эди. Шу фактнинг ўзи жаҳонда ва жамоатчилик онгида содир бўлаётган ўзгаришларни акс эттиради, жаҳон сиёсатида ҳам, давлатлар ичкарисида, шунингдек давлат чегаралари оша инсоний муносабатларда ҳам реализм тобора кўпроқ қарор топаётганлигининг далилидир.

Баъзи амалий масалалар ҳам тилга олинган суҳбат асосан концептуал тусда бўлди. Ғап барча тинчликсевар кучлар баҳамжиҳат ҳаракатининг асослари тўғрисида борди. Инсоният мисли кўрилмаган муаммоларга: ядровий ва экологик хавфхатарга, турмушнинг маънавий асослари вайрон бўлиши, кўп асрлар мобайнида орттирилган маданий ва маънавий қадриятлардан жудо бўлиш хавфига дуч келган ҳозирги вақтда ана шундай баҳамжиҳат ҳаракат ниҳоятда зарурдир.

Сиз билан бизнинг илк фалсафий позицияларимизнинг негизлари турли-чадир, деди М. С. Горбачев, аммо бизда, жумладан, иккала давлатнинг ҳам имзоси қўйилган Хельсинки Якунловчи акти каби жуда катта ютуқни эътиборга олиб, тинчлик тўғрисидаги муштарак ғамхўрлик йўлида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш учун талайгина имкониятлар бор.

Кардинал Казароли, унинг сўзларига кўра, реал қуролсизланиш йўлларини излаб топишда сабр-тоқат ва зўр ақл-идрок кўрсатган совет раҳбариятининг фаолиятига юксак баҳо берди.

М. С. Горбачев А. Казаролининг тинчликни барпо этиш омили сифатида қуролсизланиш билан бир қаторда маънавий ҳамжиҳатлик зарур, «учинчи дунё»даги аҳвол, халқларнинг маданий бойлигини ҳимоя қилиш йўлидаги ҳамкорлик жаҳон ҳамжамиятининг муштарак юмушидир, деган фикрини қўллаб-қувватлади. Дунёқараш нуқтаи назаридан ёндашувлардаги тафовутдан қатъий назар биз орзу қилаётган дунёга миллий қадриятларни ҳурмат қилиш асосидагина эришиш мумкин. Биз ҳаммамиз турличамиз, аммо дунёнинг ғоят хилма-хиллиги — моддий, социал бойликкина эмас, шу билан бирга маънавий бойлик ҳамдир. Шу боисдан қуролсизланиш йўлидаги сиёсий курош маънавий соҳадаги кенг алоқалар ва ҳамкорлик билан қўшиб олиб борилиши керак.

Бироқ, деб давом қилди М. С. Горбачев, ҳар бир халқнинг социал соҳада танлаб олган йўлини ҳурмат қилган тақдирдагина баҳамжиҳат ҳаракат қилиш мумкин. Шу муносабат билан у ҳозир совет жамиятида уни янгилаш ва қайта қуриш масалалари юзасидан авж олиб кетган мунозаралар чоғида совет кишиларининг социализмга ишончи, уларнинг социалистик турмуш тарзига содиқлиги кучли янграётганлиги тўғрисида кардиналга сўзлаб берди. Мана шу реалликни ҳурмат қилмай туриб, Совет Иттифоқи билан тўғри муносабатда бўлиш мумкин эмас. Қолаверса, умуман ҳар бир халқнинг хоҳиш-иродасини ҳурмат қилиш — халқаро муносабатлар умуман цивилизациялашган тус олиб боришининг гаровидир.

Дин эркинлигига келганда эса шуни айтиш керакки, бу нарса бизнинг Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Зотан биз мана шу принципга амал қилаяпмиз. Совет жамиятини янада демократиялаш давом этаётган ҳозирги пайтда биз бунга ҳам эътибор бераяпмиз. Аммо буларнинг ҳаммаси бизнинг ички ишимиздир. Бинобарин аралашиш учун қандай бўлмасин йўллардан, шу жумладан черковдан фойдаланиш номақбул эканлиги табиий.

Биз Рим папасининг мактубини, жумладан давлатларимиз ўртасидаги алоқаларга мунтазам тус бериш тўғрисидаги масалани ҳам эътибор билан кўриб чиқамиз, деди М. С. Горбачев. Мана шу учрашувдан кейин (бу учрашув дўстона тусда ўтди деган фикрга қўшилиш мумкин) ҳар иккала томоннинг фикр юритиши учун асос бор, деб ўйлайман. Биз ҳам, сизлар ҳам ҳамма нарсани обдон ўйлаб олишимиз керак, мулоқотни йўлга қўйиш учун замин мавжудлигини эса маълум бўлиб қолди.

(ТАСС).

## *Мусобақани қизитаяпмиз*

Бригадамиз аъзолари шу кунларда ғўза парваришини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Ҳозир деҳқон ҳар дақиқани ғанимат биладиган, экин кун санайдиган палла. Шунинг учун агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказишга алоҳида эътибор берилаяпти.

Бу йил 98 гектар майдонда деҳқончилик қиласяпмиз. Барча пайкалларда Андижон —13 нав ғўза ўстирилмоқда. Бу навнинг агротехникасини ўз тажрибамиздан яхши биламиз. Ҳар гектар ердан ўртача 35 центнердан ёки бултургидан 4 центнер кўп оқ олтин етиштириш коллективимизнинг ягона мақсади.

Ростини айтганда, мўлжалдаги ҳосилни тўплаш пахтакор учун ҳеч қачон осон бўлмаган. Йилдан-йил фарқ қилади, гоҳ кўкламда, гоҳ ёзда ёки кузда об-ҳаво қилиқ кўрсатади. Хуллас, деҳқон режасини бузмоқчи бўлади. Ана шунда тажрибасини ишга солган, маҳоратини намоён этган заршуносгина кўзланган ниятига етади. Бу йилги шароит деҳқоннинг кўнглидагидек бўлаётганини айтиш лозим. Кўклам қулай келди, ерга уруғни ўтган йилгидан барвақт, сифатли қададик. Яганалаш қисқа фурсатда тугалланди. Парваришни қизитаяпмиз.

Мўл оқ олтин етиштириш пахтакорнинг айни кунлардаги меҳнатига боғлиқ. Қатор ораларига ишлов беришни, меъёрида озиқлантиришни, чанқатмай, вақтида суғоришни қойилмақом қилиб бажарган деҳқон ҳар томонлама ютади. Чунки булар ғўзани баравж ривожлантириш, мўл ҳосил тўплаш омиллари ҳисобланади.

Ҳар бир агротехник тадбир масъулият ва эътибор талаб қилади. Колхозчиларимиз буни яхши тушунадилар. Парваришни тез ва соз ўтказишда бригаданинг ҳар бир аъзоси катта ҳисса қўшаяпти. Моҳир механизаторимиз Толибжон Воҳидов культиваторини эртадан кечгача тиндирмаётир. Ҳозирга қадар барча майдонларга икки марта ишлов бериб, бир марта минерал ўғитлар билан озиқлантирди. У кунига 5—7 гектарни қўлдан чиқармоқда. Тажрибали сувчилар Билолдин Усмонов ва Қўрғонбой Исмоилов ниҳолларга дастлабки оби ҳаётни таращда бошқош. Далани бегона ўтдан тозалашда, бошқа юмушларни ado этишда Майрам Маматқулова. Одина Азимова, Мўътабар Ҳакимова сингари чопиқчиларимиз ғайрат кўрсатмоқдалар.

Бу йил ялпи ҳосилнинг камида 80 процентини зангори кемалар билан саранжомлаб олишни кўзлаганмиз. Айни кезларда ғўзани машинабоп қилиб ўстиришга эътиборни кучайтираяпмиз. Қатор ораларини юмшатганда ҳам, озиқлантираётганда ҳам, суғораётганда ҳам бу талабни бирор зум унутганимиз йўқ.

Ҳадемай Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси бўлади. Бригадамиз аҳли КПСС Марказий Комитетининг Тезисларини синчиклаб ўқиб-ўрганди. Шунга бағишлаб ўтказилган йиғилишда ҳамма фикр-мулоҳазаларини айтди. Деҳқонларимиз бўлажак анжуман шарафига социалистик мусобақани бўшаштирмай, ғўза парваришини кўнгилдагидек ўтказадилар.

**М. БОЗОРОВА,**
**Олтинкўл районидаги «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи, Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори.**

## ОБ-ҲАВО ВА ДЕҲҚОНЧИЛИК

### Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказидан

Декаданинг дастлабки икки кунида республика бўйича ҳарорат нормадагидан 2—4 даража паст келди. Бу эса ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ноқулай бўлди. 3 июндан бошлаб ҳарорат кўтарилди. Об-ҳавонинг анча вақт салқин бўлганлиги, парваришнинг сифатсизлиги сабабли ғўза ривожидаги қолоқлик сақланиб турибди.

Пахтазорларнинг асосий қисмида 4—10 июнь кунлари ниҳоллар шоналай бошлади. Бу эса одатдагидан 1—1,5 ҳафта кеч. Республика жанубида ниҳоллар ёппасига шоналаган бўлса, кеч ва қайта экилган майдонларда улар 1—3 барг чиқарди.

Ғўзанинг бўйи 10—17 сантиметрга етдики, бу кўп йиллик даражага яқин. Сурхондарё, Қашқадарё областларида эса ниҳолларнинг бўйи кўп йиллик даражадан 5—6 сантиметр баланд — 20—30 сантиметрни ташкил этмоқда.

Бедазорларда иккинчи ўрим бошланди. Республика жанубида эса бу юмуш тугалланди, жойларда учинчи ўрим бедаси гуллаганлиги кўзатилмоқда.

Республика боғларида олхўри, гилос, ўрик, эртапишар шафтоли етилмоқда. Улар йиғиштириб олинаяпти. Токзорларда хўралар йириклаша бошлаганлиги кузатилди. Пайкалларда бодринг, ҳандалак пишди, полизларда эса эртаги қовун-тарвузлар етилди.

Ўтган ўн кунда ҳаво ҳарорати бошоқли дон экинларининг пишиб етилиши учун қулай бўлди. Кўпчилик районларда бошоқли экинлар ўримга келди. Тошкент, Жиззах, Қашқадарё областларининг тоғолди районларида эса етила бошлади. Республиканинг баъзи районларида ғалла ўрим-йиғимига киришилди. Қашқадарёнинг айрим жойларида ўрим-йиғим пайсалга солинаяпти. Бир-икки кун мобайнида эсиб турган қаттиқ шамол ўрим-йиғим ишларини мураккаблаштирди.

Маккажўхоризорларда ниҳоллар гуркираб ўсаяпти. Кўпчилик областларда маккажўхори ниҳолларида 11—17 та, кечикиларида 7—9 тадан барг пайдо бўлди.. Жанубда маккажўхори шокила чиқарди.

Ҳароратнинг кўтарилиши яйловларда шувоқнинг ўсишини тўхтатиб қўйди. Молларни ўтлатиш учун айтарли тўсиқлар бўлгани йўқ, фақат бир неча кун кучли шамол чанг-тўзон кўтариб, жониворларнинг ўтлашини қийинлаштирди.

Тоғ яйловларида ғалладошлар ва бошқа ўтларнинг гуллаши тугади. Тошкент области тоғларида ўт-ўланлар уруғи етила бошлади.

Яқин 3—4 кун мобайнида республика бўйича ҳароратнинг жуда баланд бўлиши кутилмоқда. ҚҚАССР, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё областларида кундузи 38—43, баъзи жойларда 41—45 даража, қолган жойларда 35—40 даража иссиқ бўлади. Жазирама ниҳолларни ҳолдан тойдириши, айниқса, парваришда агротехника қоидаларига риоя қилинмаса улар ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

**В. КАНУННИКОВА,**
**агрометеоролог.**

## Янгиланиш йўлида

«КПСС қайта қуриш тўғрисида» ҳужжатлар тўплами босилиб чиқди. Бу нашрга партиянинг қайта қуриш масалаларига доир асосий ҳужжатлари киритилди. Бу ҳужжатларда умумпартиявий, умумдавлат тусидаги, ҳозирги шароитларда совет жамияти социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, уни ҳар томонлама такомиллаштириш борасидаги партия стратегик йўлини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тааллуқли принципиал сиёсий қоидалар, амалий кўрсатмалар ва тавсиялар баён қилинган.

Тўплам материаллари уч бўлимдан: КПСС XXVII съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети пленумларининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, КПСС Марказий Комитетининг ҳужжатлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС қўшма қарорлари бўлимларидан иборат.

Материал хронологик тартибда жойлашганлиги қайта қуриш концепциясининг вужудга келиш ва ривожланиш жараёнини, социал-иқтисодий ва сиёсий турмушнинг турли соҳаларида бу концепцияни амалга ошириш борасида партия ва давлат, жамоат ташкилотлари кўраётган конкрет чоратадбирларни, шу йўлда учрайдиган мавжуд тўсиқлар ва қийинчиликларни изчил кузатиб боришга имкон беради.

Нашр партия, совет ва хўжалик активлари кенг доирасига, — илмий ходимлар, пропагандистлар ҳамда сиёсий-иқтисодий таълим тармоқларининг тингловчиларига мўлжалланган.

Тўпламни сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган.

(ТАСС).

*КПСС Марказий Комитети Тезислари муҳокамада*

## ТАКЛИФ

**Тезисларнинг 3-бандида: «Бизнинг олий ва ўрта мактабимиз кўп жиҳатдан турмуш, фантехника тараққиёти ва маданий ривожланиш талабларидан орқада қолди. Уни ривожлантиришда сифат ўзгаришларини таъминлаш учун бутун жамият зўр бериб куч-ғайрат сарфлаши керак бўлади», дейилган. Жуда тўғри. Айниқса қишлоқ мактабларини ишини тубдан қайта қуриш лозим. Шу боис ушбу абзацга: «Қишлоқ маорифини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилсин», деб қўшиб қўйилишини таклиф қиламан.**

Ҳ. МАҲМУДОВ,
Деҳқонобод районидаги 7-ўрта мактаб бошланғич партия ташкилоти, секретари.

## МУЛОҲАЗА

**Мен Тезисларда таъкидланганидек, партиянинг навбатдаги съездигача бўлган даврда коммунистларнинг ижтимоий-сиёсий аттестациясини ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги фикрни қўллаб-қувватлайман. Сафларимизда фақат аъзолик бадалларинигина тўлаб юрувчилар ҳам йўқ эмас. Шу билан бирга орамизда ўзини жонкуяр қилиб кўрсатувчи, аслида эса умум манфаатидан шахсий манфаатини юқори қўядиганлар ҳам бор. Кўпинча мулоҳазали, коллективга қайшадиган, аммо йиғилишларда юқоридагилар кабн ўзини кўрсата олмайдиган ўртоқлар четда қолиб кетишади. Шу боисдан бу муҳим ишда шошма-шошапилик йўл қўймаслик зарур. Токи ҳалол, принципиал коммунист кўнгли озор топмасин.**

И. ЎРИНОВ,
Киров районидаги «Партия XX съезди» совхози пахтачилик бригадаси бошлиғи.

## МУНОСАБАТ

**Мен коммунист эмасман. Аммо партия ва жамиятимиз ҳаётидаги ҳамма янгиликлар, ўзгаришларни синчковлик билан кузатиб бораман. КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларига ҳеч ким бефарқ қарамаса керак. Мен ҳам уни батафсил ўқиб, ўрганиб чиқдим. 2-бандининг 16-абзацида жуда муҳим масала кўтарилган. Ҳақиқатан ҳам бошқарувнинг янги усулларн никоби остида аслида эски маъмуриятчилик услубини давом эттираётган раҳбарларни жиддий муҳокама этиш зарур. Акс ҳолда қайта қуриш ҳақида ваъз айтиб, янгиликка тўғаноқ бўлаётганлар жамиятимизга катта зарар келтиради.**

З. ТЕШАБОЕВ,
Калинин районидаги «Назарбек» совхози сабзавотчилик бригадаси бошлиғи.

Делегатлар ҳақида ҳикоялар

# ЧЎПОН БАХТИ

Чеҳрасидан нур ёғилиб турган бу киши Ғаллаорол районидаги Карл Маркс номли совхознинг бош чўпони Райим ака Зубайдуллаевдир. У яқинда Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегат этиб сайланди. Оддий чўпон, ташаббускор коммунист бу ишончга ҳалол меҳнати, эл-юрт ишига жонкуярлиги учун эришди.

Ишонч. Мана шу биргина сўзнинг замирида олам-олам маъно мужассам. Биргина сўз билан ифодаланадиган бундай ҳурматга созовор бўлгунча Райим ака неча йил сурув ҳайдади, тоғу тош кезди. Устоз чўпонларнинг илғор иш тажрибаларини қунт билан ўрганди. Ҳозир эса у ёшларнинг меҳрибон устози. Шогирдлари унинг ўзи билан мусобақалашиб меҳнат қилишмоқда.

Биз Райим акани яйловда учратдик. У кундалик ташвишлардан бир зум қутулиб қўтон ёнидаги тепаликда ёнбошлаб, дам олаётган экан. Ёнидаги транзистордан ёқимли қўшиқ таралади. Шундай дамларда беихтиёр чўпонлар ҳаётига ҳавасинг келади: атроф кўм-кўк, майин эсган шабада дилларга ҳузур бағишлайди. Аммо бу ердаги ҳаёт фақат шундангина иборат эмас, машаққатлари ҳам бир дунё. Буни яйловнинг жазирама иссиғию қаҳратон совуғини татиб, чўпонликнинг қувонч ва ташвишларини бошдан кечирган киши яхши билади.

Райим ака сурув-сурув қўйларга мамнун боқар экан, касб-кори, чўпон ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади:

— Болалигим шу қиру адирлар бағрида ўтган. Тикбулоқ яйловларини неча марталаб пиёда кезганман. Ҳар бир сўқмоғи, бурчи, сойигача ёд бўлиб кетган. Отам мени ҳамиша ўзи билан бирга олиб юрарди. Ҳозир кексайиб қолган бўлишига қарамай тез-тез яйловга келиб ҳолимдан хабар олиб туради. Отарни эринмай кўздан кечириб чиқади.

«Қўйларни раъйига қараб ўтлат, Жониворни таёқ билан уриб, ҳақоратлаш яхшилик келтирмайди. У меҳрни билади» деган гапни тез-тез такрорлайди.

Бош чўпон узоқ-узоқларга тикилганича бир зум сукутга чўмди. Сўнгра қорақўлчиликда қора из қолдирган турғунлик йилларини ёдга олди.

— Ўша кезларни эсласам, ғалати бўлиб кетаман. Озмунча азоб чекдикми... Энди сира у кунлар қайтмасин. Ўз отарингга ўзинг хўжайинлик қилолмасанг, бундан ёмони йўқ экан. Ҳали-ҳамон ўша хатолар азобини чекаяпмиз. Баъзида қўйларнинг аҳволини кўриб бўғилиб кетаман. Қандай зотли жониворлар эди-я...

У ҳақ гапни айтди. Ҳақиқий чўпон фақат бугунни ўйламайди. Тўғри, отарида йилдан-йилга туёқлар сони ортиб бораяпти. Аммо қўйлар насли, яйловлар муаммосини ўйламай бўладими? Кейинги йилларда яйловлар ҳолатини яхшилаш, кўп йиллик озуқабоп экинлар экиш ишлари олиб борилмоқда. Лекин бу ҳали оз.

Ўринбосарлар муаммоси ҳақида ҳам жиддий бош қотириш зарур. Оталар қўлидан таёғини ким олади? Ҳайриятки, кўплаб қўйчивонлар оилавий бригадалар тузиб ишлаяпти. Бу фарзандларда чорвачиликка иштиёқ уйғотмоқда. Аммо машаққатли касбга ўзини урадиган азаматлар бармоқ билан санагудай.

— Лекин шунга қарамай чўпонликнинг ҳам гашти бор, — дейди Райим ака. — Сурув қўйлар тақдири сенинг қўлингда. Одамларга, элингга нафинг тегаётганини эсласанг руҳинг кўтарилиб кетади.

Яйловдаги суҳбатимиз анча давом этди. Чўпоннинг ҳар бир сўзида чорвачилик муаммолари, уларни бартараф қилиш йўлидаги ҳаракат, партия ва ҳукуматимиз ўртага қўйган вазифаларни ҳал этиш борасидаги фидокорлик мужассам.

Райим ака бош чўпон бўлиб ишлаётган 1976 йилдан буён планлар ҳамиша зиёдаси билан бажарилаяпти. Жорий йилда ҳам ҳар юз бош совлиқдан 105 тадан қўзи олиб, асосий қисмини боқишга қолдирди. Давлатга 204 дона юқори сифатли қоракўл тери топширди.

У ҳаётда нимага эришган бўлса, ҳаммасини касбидан, меҳнатидан деб билади. Ҳалол меҳнати туфайли эл-юртга танилди. Район партия комитетининг аъзоси, қишлоқ Советининг депутати сифатида ўзини ҳамиша халқ ишига камарбаста деб билади. Етти фарзандини тарбиялаб вояга етказди.

Партия ва давлатимиз тажрибали чўпон меҳнатини юқори баҳолади. У «Ҳурмат белгиси» ҳамда III даражали «Меҳнат шуҳрати» орденлари нишондори, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси кумуш медали соҳибидир.

— Кичик ўғлим Рустамжоннинг қўйларга меҳри ўзгача, — дейди у мамнунлигини яширмай. — Шуниси қақиқий чўпон бўлади. Бу томондан кўнглим тўқ. Таёғим ерда қолмаслиги — менинг бахтим.

**Ш. ТЎРАЕВ,**
**И. АЛИМОВ.**

# ИСЛОҲОТ—ЗАРУРАТ

КПСС Марказий Комитети Тезисларини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Унда бугунги кунимиз ва келажагимиз учун ниҳоятда муҳим, имкони борича тезроқ амалга оширилиши зарур бўлган кенг кўламли вазифалар ўртага қўйилган. Демак, жамиятимизни қайта қуриш учун ҳали жуда кўп иш қилмоғимиз керак. Масаланинг яна бир томони ҳам борки, буюк ишларни амалга оширишда миллионлаб кишилар фаол иштирок этишлари зарур. Шунчаки эмас, балки онгли равишда. Янгилик учун курашаётган ҳар бир одам ўзи қилаётган ишни чуқур тушуниб етиши шарт.

Юрист бўлганлигим сабабли Тезисларнинг касбимга бевосита алоқадор томонлари ҳақида мулоҳаза юритмоқчиман. Ҳужжатнинг 8-бандида ҳуқуқ органлари фаолиятини қайта қуриш ҳақида тўхталиб, жумладан, бундай дейилади: «...Шу мақсадда қонунчиликни мустаҳкамлаш, давлат ҳаётининг демократик принципларини, граждандарнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиши лозим бўлган барча органлар ишини тубдан яхшилашга қаратилган катта ҳуқуқий ислоҳотни амалга оширишимиз лозим».

Жуда тўғри таъкидланган: кўплаб қонунларимиз жиддий таҳрирга муҳтож, баъзилари эса умуман яроқсиз.

Қишлоқда ишлаганим учун бевосита колхозлар ва совхозлар фаолияти, агросаноат комплекси тармоқлари ишидаги қонун бузилиши ҳолларининг гувоҳи бўламан. Хўш, ҳаммамиз учун муқаддас қонун нега бузилаяпти? Унга хилоф иш тутишдан мақсад нима? Улар ортида ҳамиша ҳам шахсий манфаат ётадими? Афсуски, ҳаммасида эмас. Кўпинча бундай ҳолатлар қонунни билмасликдан келиб чиқади.

Районимиз асосий маҳсулот пахтадан ташқари йилига 10—11 минг тонна узум, мева ва сабзавот етиштиради. Унинг 4 минг тоннага яқини Ғиждувон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлардаги қайта ишлаш корхоналарига юборилади. 3,5 минг тоннага яқини эса маҳаллий савдо шохобчалари орқали сотувга чиқарилади. 3 минг тонна атрофидаги маҳсулот умумиттифоқ фондига, мамлакатимизнинг турли регионларига юборилади. Бир қарашда ҳамма иш жойида: маҳсулот расамади билан тақсимланган, деҳқон, боғбон хотиржам меҳнат қилаверса бўладигандай. Аммо йил бўйи пешона тер тўккан меҳнаткаш тегишли ҳақини ололмай қийналади.

Гапни узоқдан бошлашимнинг боиси бор: юқоридаги каби тақсимотнинг икки тури бўйича, яъни бошқа жойга маҳсулот жўнатганлар планни ҳар қанча оширганда ҳам бажармасинлар, кутилган даромадга эришолмайдилар. Чунки у белгиланган жойга етиб боргунча ўз сифатини йўқотади. Натижада нархи кескин пасайиб кетади. Бунинг учун деҳқонда нима айб, деган ҳақли эътироз туғилади. Аммо ҳақиқий айбдорлар ҳам қонун олдида жавоб беришмайди. Нега?

СССР Агросаноат давлат комитетининг 1987 йил 15 апрелдаги 300-буйруғи билан тасдиқланган кўрсатмада таъкидланишича, **«маҳсулотни қабул қилиб олиш бевосита маҳсулот етиштирилган жойда амалга оширилиши керак».** Ушбу кўрсатма — юридик ҳужжат. Унга амал қилиниши эса шарт. Аммо бизда ҳамиша акси бўлади. Маҳсулот етиштирган деҳқон ёки боғбон маълум муддат вагон кутади, ўз ҳисобидан идиш (тара) сотиб олади; ўз кучи билан юклайди (улгурмаса, темир йўлга штраф ҳам тўлайди) ва юборган юки ҳақида ойлаб хабар кутади.

Фақат мана шунинг ўзидангина районимиз хўжаликлари юз минглаб сўм зарар кўришаяпти. Шуниси қизиқки, яна жойларга **«сифатсиз»** маҳсулот юборгани учун катта миқдорда штраф ҳам тўлашмоқда.

Ахир бу меҳнаткашни куппа-кундузи тунаш эмасми?

Республика, область агросаноат комитетлари раҳбарлари буни жуда яхши билишади. Аммо «этик тор келиб қолганда» маҳсулотни ўз кучи билан жўнатишга мажбур этишади. Маҳсулот айрбошлаш ҳақида шартнома тузган ташкилотлар бундан ҳеч зиён кўришмайди.

Қонун бузилиши ҳолларига олиб келаётган яна бир жиддий масалага тўхталмоқчиман. Турғунлик йилларидан мерос бўлиб қолган «План — қонун» деган шиор бор. План — авваламбор қонун эмас. Бир йил ичида юқори органлар томонидан бир неча бор ўзгартишлар, қўшимчалар киритиладиган планни қонун деб бўладими?! Бундан ташқари ўша план бажарилган тақдирда ҳам яна қўшимча маҳсулот талаб қилишади. Етти ўлчаб бир кесилган планни бажаришнинг ўзи осон эмас. Шундан кейин ҳам талаб қилиш кўпинча кўр-кўрона қонунни четлаб ўтишга олиб келади. Хуллас, қишлоқ хўжалигида муаммолар шу қадар кўпки, уларни тезда бартараф этиш, жиноятга йўл очиб берадиган кўрсатмаларни бекор қилиш учун, Тезисларда таъкидланганидек, қонунларимизнинг ўзини жиддий ислоҳ қилиш зарур.

Тезисларда халқ хўжалиги тармоқларида ҳуқуқий хизмат, юридик умуттаълим ва аҳолини тарбиялашни жиддий кучайтириш зарур, дейилган. Бу гап айниқса бизнинг республикамизга тааллуқлидир. Чунки бизда ҳуқуқ пропагандаси йўқ даражада. Умумпартиявий ва соҳа газеталари бу иш билан деярли шуғулланмайдилар.

«Совет жамиятини изчил демократиялаш жараёни ташкилот ва социализмга, социалистик демократияга тўла-тўкис мос келадиган сиёсий ҳокимиятнинг фаолият формаси сифатида социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этишни ниҳоясига етказиши лозим», — дейилади Тезисларда. Айни шу сабабдан ҳам ҳуқуқ пропагандасини жиддий жонлантириш керак. Фикримча, **20 миллионга яқин аҳолиси бўлган республикада миллий тилда чиқадиган махсус газета ёки журналсиз совет қонунчилигини одамлар ўртасида кенг пропаганда қилиш, уларни муҳим жараёнда фаол иштирок этишга тортиш мушкул.**

**Э. ОМОНОВ,**
**Шофиркон район прокурори.**

# ИНСОНГА ҒАМХЎРЛИК ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА БЎЛСИН

Катта асфальт йўл яқинидаги 30 гектарлик пахта пайкалида иш қизғин. Механизатор Мухторжон Нишонов ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бераяпти. Унинг ҳамкасби, КПСС аъзоси Тоҳиржон Сотволдиев агрегати ёрдамида ниҳолларни минерал ўғитлар билан озиқлантирмоқда. Ишлов жараёнини кузатар эканмиз, сифатли культивациядан сўнг қаддини тиклаб олаётган бўлиқ кўчатларнинг бободеҳқондан мамнун эканлигини қалбдан ҳис этдик. Одамларнинг далада тўкаётган реза-реза пешона терлари ғўзаларга мадад бўлаётир.

Набижон Эргашев, Қобилжон Қорабоев, Ҳасанбой Маматов, Алишер Фозилов сингари моҳир сувчилар ўқариқ қирғоқларидаги ғўзалар остини юмшатиш, увотларни тартибга келтириш билан машғул.

Биз ғўза парваришида қатнашаётган одамлар даврасида бўлиб, меҳнат режалари, ишчилар учун яратилган шарт-шароит, дала шийпонлари аҳволи билан қизиқдик. Андиша қон-қонига сингиб кетган пахтакорлар саволларга фақат ижобий жавоб қайтаришга уринишди. Лекин уларнинг кўз қарашларидан айтмоқчи бўлган «дард»лари борлигини сезиш қийин эмасди.

Суҳбат ниҳоясида улардан бири даладаги ҳар кунги тушлик овқат навбат усулида (бригада ишчилари ўзларининг ҳисобидан кунига иссиқ овқат ташкил этишмоқда) уюштирилаётганлигини тортинибгина, худди гуноҳ иш қилиб қўйган боладай ийманиб айтди.

Бободеҳқонлар жорий йилда 125 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31,5 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олишган. Одина Мирахмедова, Муҳтарамхон Йўлчиева, Баҳор Эргашева сингари комсомол-ёшлар муҳим агротехник тадбир — ғўза чопиғида бошқаларга ибрат кўрсатаётганлигини ҳисобчи Ҳусанбой Маматов фахр билан таъкидлади.

Бригада аъзолари меҳнатга ихлос қўйганлигини қуйидагилардан ҳам билиш мумкин. Улар районда биринчилардан бўлиб дастлабки парваришни тугаллашган эди. Ҳозир барча майдонларда ниҳоллар баравж ривожланаяпти. Лекин улар меҳнати бундан ҳам баракали, бундан ҳам сифатли бўлиши мумкин эди...

Ишловчи оналар соғлигини муҳофаза қилишга оид қулайлик яратиш маъмурият ва партия ташкилотининг муҳим вазифаларидан бири. Биз ҳикоя қилаётган Бўз районидаги «Ленинчи» совхозининг мазкур бригадасида 25 аёл меҳнат қилади. Калинин участкасидаги район халқ маорифи бўлимига қарашли болалар боғчасида бўш ўрин йўқлиги туфайли бу масканга кичкинтойлар қабул қилинмаётир. Шу боис ишловчи оналар болаларини уйга ташлаб келишга мажбур бўлмоқдалар. Дала шийпонида боғча филиали ташкил этилса айни муддао бўларди. Негаки, бригадада ишловчиларга қарашли кичкинтойларнинг ўзи 50 нафардан ортиқ. Бу масала 3-бўлимнинг 4-бригадасида баҳорда бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида кўндаланг қўйилди. Совхоз раҳбарлари бригаданинг йўл бўйига жойлашган дала шийпонида боғча филиалини ташкил этишга ваъда беришди. Аммо амалий ишдан ҳамон дарак йўқ.

Дала шийпони — ишчиларнинг иккинчи уйи, деб бежиз айтилмайди. Аммо унда ҳақиқий шийпонлар назарда тутилган. Эшик-дераза, поли бўёқ кўрмаган, тахталари эскириб, чирий бошлаган шийпон ҳақида бундай деб бўлмайди, албатта. Спорт анжомлари, кўчма магазин, кутубхона, дала аптечкаси ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ҳамроҳимиз, участка фельдшери Муҳаммаджон Машрапов яна битта «антиқа» шийпон борлигини айтиб қолди. Унисн дурустроқ бўлса керак, деган умидда ўша томонга йўл олдик.

Шундоқ ариқ бўйида жойлашган бу шийпонга, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, яқин орада инсон қадами тегмаган. Отнинг калласидай қулф осилган, ойналари синган деразасидан ичкарига мўраласангиз димоғингизга зах ҳиди уради.

Энди участка фельдшери билан бўлган суҳбатга қайтамиз. У болаларни сутли таомлар билан таъминлашга ҳанузгача киришилмаганлигини қойинғ айтди. Ўринли талаб. Район марказида сутли таомлар ҳар куни тайёрланмоқда. Бўз посёлкаси у ердан атиги 3—3,5 чақирим нари. Бу ишни уддалаш, далада ишлаётган кўп болали аёлларга етарлича ғамхўрлик қилиш «Ленинчи» совхози раҳбарларининг ҳафсаласига боғлиқ.

Деҳқонларимиз ориятли ва андишали. Шарт-шароит яратилмаганлигига қарамасдан, сидқидилдан меҳнат қилишаяпти. Совхоз партия комитетининг секретари Т. Камолов, директорнинг маданий ишлар бўйича муовини И. Бекмирзаева ва аввало совхоз директори Ё. Мамасиддиқовлар бу заҳматкаш кишиларга қиё боқиб, ғамхўрлик кўрсатишлари керак.

**Ҳ. РУСТАМОВ,**
**СССР Журналистлар союзининг аъзоси.**

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ОТАЛИҒИДА

# Кенгаш мукофотдан маҳрум этади

**Тўла хўжалик ҳисоби ҳамда ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида корхонада бригада кенгашининг мавқеи янада оширилди. Унинг аъзолари интизомни мустаҳкамлашда, маҳсулот сифатини яхшилашда, меҳнат унумдорлигини оширишда завод маъмуриятига яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар социалистик мусобақани ташкил этиш ва якунлашда ҳам фаоллар. Эндиликда мусобақа ғолибларига бериладиган мукофот ҳаммага баробар эмас, ҳар кимга эришилган ютуққа қўшган улушига қараб тақсимланмоқда.**

Суюн Шайманов бошлиқ 3-ишлаб чиқариш бригадаси толачилари жорий йилнинг икки ойида пландаги 536,9 тонна ўрнига 600,4 тонна сифатли маҳсулот тайёрлашди. Мусобақа ғолибларига январь ойининг иккинчи ярми учун вимпель ва 1100 сўм пул мукофоти берилди. Одатда у бригаданинг барча аъзосига тақсимланиши лозим. Бригада кенгаши эса бу тартибга жиддий ўзгариш киритди. Мукофот бригада аъзоларининг ютуққа қўшган ҳиссасига мувофиқ тақсимланмоқда. Масалан, катта жинчи Тошбой Қурбоновнинг меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги, ҳамкасбларига беминнат ёрдами ҳисобга олиниб, мукофот ҳиссаси 1,5 баравар деб белгиланди. Яъни ойлик маошининг 18 процентн миқдорн — 30 сўм 44 тийин ўрнига 45 сўм 61 тийин мукофот берилди. Ёки бригада аъзоси Ўрол Мардонқуловнинг улуши 21 сўм 07 тийин бўлиши керак эди. Кенгаш аъзолари унинг ишга кечикиб келганлиги, меҳнат интизомини бузганлиги, бу билан пировард натижага салбий таъсир кўрсатганлигини ўрганиб чиқиб, уни мукофотдан маҳрум этишди. Ўша мукофот бригаданинг Тошбой Қурбонов сингари илғор, кўпчиликка ибрат бўладиган аъзоларига қўшиб берилди.

— Социалистик мусобақага якун ясашда маҳсулотнинг фақат миқдорига эмас, аввало унинг сифатига алоҳида эътибор берамиз, — дейди Жарқўрғон районидаги Сурхон пахта тозалаш заводи бошланғич партия ташкилотининг секретари Ҳабиба Назимова. —Социалистик мусобақага ҳар ўн беш кунда якун ясалиши корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини қўпайтиришга, сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда. Бунга тўлиқ хўжалик ҳисоби шароитида дастлабки икки ойда эришилган натижалар мисол бўла олади. Шу даврда пландаги 4 миллион 750 минг сўмлик ўрнига 8 миллион 236 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Топшириқдаги 1750 тонна ўрнига 1959 тонна тола ишлаб чиқарилди. Бултур икки ойлик сифат кўрсаткичи 56 процент эди. Жорий йилда бу рақам 15,4 процент ўсди. Маҳсулот сифати учун фақат смена мастерлари эмас, ҳар бир ишчининг масъулияти ва жавобгарлиги оширилди. Брак маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги учун жарима ундириш йўлга қўйилди.

Завод коллективи тўлиқ хўжалик ҳисобида ишлашга ўтган йилиёқ мустаҳкам замин яратган эди. Юбилей йили ишлаб чиқариш планлари ортиғи билан бажарилди. 32,7 миллион сўмлик ўрнига 37 миллион 66 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. 9 минг тонна ўрнига 9834 тонна тола ишлаб чиқарилди. Пландаги 29,4 процент ўрнига 31,3 процентдан тола олишга эришилди. Хом ашёни қайта ишлашда ускуналардан тўғри фойдаланиш ҳисобига ўтган йили 2066 тонна пахта тежалди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан пландаги 800 минг сўм ўрнига 1 миллион 147 сўм соф фойда кўрилди. Пахта тозаловчилар ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилини ҳам юксак суръат билан бошлашди. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига социалистик мажбурият қабул қилишди. Улар планни 25 декабрда бажариб, йил охиригача планга қўшимча 210 минг сўмлик маҳсулот сотишга аҳд қилишган. Сифат кўрсаткичини 90 процентга етказиш, маҳсулот таннархини 0,5 процент арзонлаштириш, меҳнат унумдорлигини бир процент ошириш, механизация ва автоматлаштиришни кенг жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқаришдаги қўл меҳнати ҳажмини 3,5 процент пасайтириш, электр энергияси, тойларни ўраш ва боғлаш материалларини тежаш, ёрдамчи хўжаликни янада ривожлантириш режалаштирилган.

Завод бошланғич партия ташкилоти қоллектив ўртасида тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашнинг афзалликларини кенг тушунтирмоқда. Янги усулга ўтиб ишлаш учун тушунтириш ишларигина етарли эмас, албатта. Айни пайтда қатор тадбирлар амалга оширилаяпти. Асосий эътибор маҳсулот сифатини яхшилашга қаратиляпти. Заводда ишлаб чиқарилган тола Иттифоқимиздаги тўқимачилик корхоналаридан ташқари ўндан ортиқ хорижий мамлакатларга жўнатиляпти.

Завод маъмурияти, бошланғич партия ташкилоти ва касаба союз комитети инсон омилига катта эътибор бераётир. Ҳозир 140 ўринли болалар боғчаси, 20 оилага мўлжалланган уй-жой қурилиши учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрланаяпти. Коллектив кучи билан ёрдамчи хўжалик қурилиши амалга оширилди. Заводда 200 минг сўмлик ремонт ишлари бажарилди. Пахта тозаловчилар учун дам олиш хонаси жиҳозланган, ошхона ишлаб турибди. Ишчиларга навбатчи машина ажратилган. Ўтган йилнинг шу даврига қиёс қилинадиган бўлса, ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтилгач, 10—15 сўм кўпайди.

— Коллектив тўла хўжалик ҳисобининг моҳиятини тушунаяпти, — дейди завод бош инженери Жума Остонқулов. — Меҳнат натижаларидаги ўзгаришлар бунга гувоҳ. Корхонанинг соф фойда плани ойма-ой белгилаб берилаяпти. Бу маъқул. Лекин планлаштиришдаги чалкашлик, беқарорлик ҳали барҳам топгани йўқ. Бизга ой бошида берилган планни ишлаб чиқариш бригадаларига тақсимлаймиз. Коллективнинг куч-ғайрати, имкониятлари уни бажаришга қаратилади. У ортиғи билан бажарилган тақдирда моддий манфаатдорлик ошади. Масалан, февраль ойи бошида область агросаноат комитети 750 тонна тола ишлаб чиқаришни планлаштирди. Бу план бригадаларга тақсимланди. 28 февраль куни эса ойлик план 900 тонна деган топшириқ берилди. Планни 1074 тоннага бажардик. Энди ишчилар 750 тонна эмас, 900 тонна юзасидан мукофот пули олишади. Иккинчидан, ишчиларда планлаштириш билан шуғулланувчиларга нисбатан ишончсизлик ва ҳурматсизлик пайдо бўлади. Бизнингча, янгича ишлаш шароитида ҳар бир қадамимиз, ҳар бир сўзимиз аниқ, ҳисоб-китобимиз тўғри бўлиши керак.

Бош инженернинг гапида жон бор. Планлаштириш билан шуғулланувчи мутасадди ўртоқлар бутун бир коллективни чалғитмасликлари лозим. План — қонун. Шундай бўлгач, у симобдек ўзгарувчан эмас, асосли ва аниқ, айни чоғда қатъий бўлмоғи керак. Тўлиқ хўжалик ҳисоби ҳамда ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида кутилган натижага эришишнинг муҳим шартларидан бири ҳам ана шудир.

**Б. КЕНЖАБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**



**Аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига талаб-эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш мақсадида Самарқанд сут комбинатининг ишлаб чиқариш қувватлари йилдан-йилга ошириб борилаяпти. Ўтган йили корхонада ишга туширилган замонавий линияда бир кеча-кундузда 25—28 тонна сут маҳсулотлари тайёрланаяпти. Ҳозирги пайтда яна бир цех қурилиши ниҳоясига етмоқда. У. фойдаланишга топширилгач, бир кеча-кундузда қарийб 90 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти туғилади.**

**СУРАТДА: қуйиш цехининг бошлиғи А. Эшонхўжаев ва мастер Б. Маматқулов маҳсулот сифатини кўздан кечиришаяпти.**

Ғ. АЛИЕВ фотоси.

## Ўзбекистон билан танишув

Никарагуа социал таъминот ва фаровонлик институтининг директори Рейнальдо Антонио Тефель Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Меҳмон В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалини, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасини бориб кўрди. Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасида суҳбат бўлди.

14 июнь куни Р. А. Тефель Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг активлари билан учрашув бўлди.

Сафар программасига кўра меҳмон Самарқандга ҳам боради.

(ЎзТАГ).

*Москвадаги учрашув қатнашчиси*

# ТУРОБ ПУДРАТЧИ

*Очерк*

ОСМОН шишадек тиниқ. Фақат Қурама тизма тоғлари тепасида майда оролчаларни эслатувчи оппоқ укпар булутлар муаллақ турибди. Тунги енгил ёмғирдан сўнг ҳаво келинчак мисол очилиб кетгандай. Шимол тарафдан эсаётган саррин шаббода одамга ором бағишлайди. Олисда, Саид — Пискент йўлида турли маркадаги машиналар ва прицеплар кўзга ташланади. Шийпон биқинидаги ошхонадан чиқаётган тутун еру осмонни туташтиришга жазм этгандек кўкка ўрлайди...

У яшил қатор оралари бўйлаб тракторни оҳиста ҳайдаб бораркан, ана шу манзаралар ногоҳ нигоҳидан ўтар, айни чоғда бутун майдон бегона ўтлардан холи эканлигига, мақбул даражада ўсимлик қалинлигига таъминланганига юрган сайин қомил ишонч ҳосил қилар, тупроқнинг майинлигини гўё ялангоёқ киши каби қалбан ҳис этарди.

Деҳқон биладики, кўчат бут, ер юмшоқ ва тоза бўлса, мўлжалдаги ҳосил албатта олинади. Ҳозир шу учала омилнинг ҳаммаси мавжуд эди. Бунга аввало об-ҳавонинг қулай келгани сабабчи. Бу йилги баҳор ҳар қачонгидан сахийлик қилмоқда. Чигит экиш қисқа муддатда, апрелнинг ўртасида тугалланди. Жами майдонга С-4880 нави уруғи қадалди. Тупроқда иссиқлик етарли миқдорда бўлганлиги туфайли бир ҳафта ўтмасданоқ ниҳоллар бодрокдек униб чиқди. Оласи тўлдирилиб тўлиқ гектарлар ҳосил қилинди. Яганалаш ва чопиқ табақалаштирилган ҳолда тез ҳамда соз ўтказилди. Ғўза қатор оралари 12—15 сантиметр чуқурликда юмшатилиб озиқлантирилди. Бунда гектар ҳисобига 100 килограмм азот ва 150 килограмм аммофос солинди. Шу кеча-кундузда сеа 32 ишчи органи қадалган культиватор ёрдамида иккинчи ишлов берилаяпти. Бу юмушни онлавий звено бошлиғи Туроб Асраевнинг ўзи қойилмақом бажармоқда.

Шу пайт адир этагиданми, аллақаердан, Туроб бу аснода пайкал адоғида ағрегатни янги қаторга бураётгани боисидан дафъатан англолмади, дўрилдоқ овоз келди:

— Туроб ака-ей!..

Трактор тўғри йўлга тушиб олгач, Туроб шийпон олдида раиснинг машинаси турганини, унинг зинасида эса ёш шофёр қўлини гоҳ оғзига карнай қилиб, гоҳ силкитиб уни чақираётганини кўрди. «Шошилинчга ўхшайди, мажлис-ов!» У кунининг қолган қисми беҳуда ўтишини сезди-ю, кўнгли хижил бўлди. Чунки кечгача шу сўнгги пайкални қўлдан чиқаришни мўлжаллаганди-да.

Туроб янглишмаган экан. Аммо у шофёрнинг сўзларини эшитиб, бир зум қулоқларига ишонмади:

— Тезда идорага бораркансиз. Раис бува: «Асраев Москвага, кенгашга жўнайди. Бирга олиб кел», дедилар.

Агар ҳозир унинг ўрнида бошқа биров бўлганда, эҳтимолки, трактор турган жойида қолар, ўзи обғини қўлга олиб учарди. Бироқ Туроб мийиғида жилмайиб қўя қолди. Аслида бу аччиқ киноя эди.

Гап шундаки, Туроб Асраев аввалларн ҳам бугунгидек хушхабарни кўп марта эшитган, шунча марта ўзини қўярга жой тополмасдан ҳаяжонланган. Ҳатто мукофотларга тавсия этилиб, охир-оқибатда рўйхатдан тушиб қолган. «Ўрокда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» деганларидек, улоқни ҳамиша бошқалар, яъни раҳберларнинг яқинлари, элкасига офтоб тегмаган кимсалар олиб кетишган. Туроб бир неча йил муқаддам бригадирликни ташлаб кетганининг боиси шундан. У кимсан, илғор механизатор, 40 центнерчи бригада бошлиғи эди...

Ҳали велосипед, мотороллер ва мотоцикл удум бўлмаган 50-йилларда қишлоқ болаларининг, айниқса темир-терсакка ўч ҳамда ғаройибботларга ишқибоз ўсмирларнинг ягона «овунчоғи» — трактор эди. Улар ўша пайтда машҳур бўлган «Универсал»ни кўчадами, даладами кўриб қолсалар бас, илтимосу ялинишлар билан механизаторнинг миясини чақиб қўлига берардилар.

Болакайларнинг наздида трактор — мўъжиза, унинг соҳиби — энг кучли, энг бахтиёр ва айни чоғда энг «қаттиққўл» одам эди. Кимки механизаторнинг мурувватига сазовор бўлиб, трактор рулини ушлаш бахтига муяссар бўлса, бир неча кунгача тенг-тўшлари ўртасида жўжахўроздай гердайиб юрарди. Ҳайдаш ҳуқуқини қўлга киритган болани-ку асти қўяверинг: қувончи оламга сиғмас, қороғи тушгунга қадар даладан бери келмасди. Туроб иккинчи тоифадагилар жумласига кирарди. Тракторчи унинг ҳақида: «Бўладиган бола, албатта шогирдликка оламан» дерди. Шунинг учунми у ўрта мактабни тугаллагандан сўнг колхозда қолиб, механизатор бўлди.

Туроб Асраев бу касбда ўн етти йил ишлади. Машина-механизмлар билан бир қаторда деҳқончилик, жумладан пахта етиштиришнинг илму амалини сидқидил ўрганди. Кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, касбига садоқатию камтарлиги туфайли колхозчиларнинг ҳурмат-эҳтиромини қозонди.

1979 йили правление меҳнат аҳлининг талабини ҳисобга олиб, Туробни бригада бошлиғи этиб тайинлади. У рози бўлди. Бунинг сабаблари бор эди.

Маълумки, бригада — ишлаб чиқаришнинг контомири, колхоз ва совхозларнинг таянч бўлинмаси. Шу ерда ҳосилга мустаҳкам тамал қўйилади, хом ашё етиштирилиб саранжомланади, ўша ердан қабул пунктларига жўнатилади. Бу юмушларнинг ҳаммаси аввало одамлар билан, уларнинг меҳнати, ғайрат-шижоати, тажриба ва маҳорати орқали рўёбга чиқади. Туроб ўн етти йил механизаторлик қилган бўлса, шу даврда бир нечта бригадирни кўрди. Уларнинг аксарияти, афсуски, муҳим бу ҳақиқатни унутган ёки тан олишга бўйин ёр бермас эди. Ахир бригада бошлиғи — раҳбар, ишлаб чиқариш командири, юксак ишонч соҳиби. У меҳнатни тўғри уюштириши, қўл остидагиларни рағбатлантиришнинг мақбул шаклларини танлай билиши, коллектив олдига қўйилган вазифаларни тезроқ рўёбга чиқариш йўлида тинимсиз ишлаши керак. Бунда нафақат ҳаққоний гап, ширин сўз билан, балки принципиаллиги, ҳалоллиги туфайли одамлар қалбига йўл топиши, ижодий ташаббусларнинг қулф урушига ёрдам бериши, меҳнат ва турмуш шароитлари хусусида ғамхўрлик қилиши лозим. Собиқ бригадирларда айни шу фазилатлар етишмас эдики, оқибатда ҳар йили план ўлда-жўлда қолиб, деҳқоннинг косаси оқармасди. Бунинг устига улар колхозчиларга ҳам, механизаторларга ҳам тўраларча муносабатда бўлардилар: «Гапимни иккита қилганинг ҳолига вой — томоркасига бульдозер тушади!». Машина терими ҳақида эса шундай ақида ҳукмрон эди: «Пахтанинг баракаси учади. Беминнат ҳашарчилар бор экан, ҳосил ерда қолмайди». Туробга ҳаммасидан ҳам шуниси алам қиларди. У сусткашлик ва лоқайдликдан бутунлай халос бўлишга, иш деганнинг этагидан астойдил тутиб, механизациялаш даражасини юксалтириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатларни озайтириш ҳисобига мўл ва арзон ҳосил етиштириш, шунга яраша мўмай даромад олишга — «шунчаки бир механизатор»нинг нималарга қодирлигини исботлашга қарор қилди.

Туроб Асраев бригаданинг 32 нафар аъзосини тўплаб дилидагисини тўкиб солганда, ҳамма уни қўллаб-қувватлади:

— Сизга ишонамиз. Бизнинг муддаомиз ҳам аслида шу.

Ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиш, илм-фан тавсияларн ва илғорлар тажрибасини қўллаш, ер сув, техника ва ўғитдан оқилона фойдаланишнинг самараси шу бўлдики, якунда 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан, жами 231 тонна оқ олтин хирмони уйилди. Ялпи ҳосилнинг 70 процентн зангори кемаларда саранжомланди. Натижада меҳнат аҳли сарфланган ҳар сўмга қўшимча 90 тийиндан ҳақ олди. Сўнгги йилларда топганини қарзга тўлашга одатланиб қолган колхозчилар учун бу маблағ салмоқли эди.

Шундай қилиб, ҳосилдорлик йил сайин ошиб бораверди. Масалан, 1980 йили гектар ҳисобига 41, келгуси йилда 47,5 центнердан хом ашё тайёрланди. Манфаатдорлик ҳам шунга яраша бўлди. Бироқ 1982 йилга келиб гектар самарадорлиги нақ 5,5 центнерга камайди. Буни об-ҳавонинг ноқулай келгани ёки пахта майдони бултургидан 20 гектар кенгайгани билан оқлаш инсофдан эмас. Унда чекинишнинг боиси нимада?

— Гектар самарадорлиги деҳқончиликда энг муҳим кўрсаткич эканлиги ҳаммадан кўра колхозчига маълум, — дейди бригада саркори Туроб Асраев ўша унутилмас йилни хотирлаб. — Негаки, у кўпроқ пировард натижадан умидвор. Бироқ заминга сурункасига пахта экилаверса, охир-оқибатда унинг тинкаси қурийди, саховатини аяй бошлайди. Бизнинг еримиз шу ҳолатга келиб қолганди. Нохушликнинг олдини олиш мақсадида мутахассисларга учрашдим, правление раисига рўбарў бўлдим. Уларга: «Пахта-беда алмашлаб экишни жорий этайлик. Азот, фосфор ва калийдан мақбул нисбатда олиб, уларни энг арзон ер дармондориси — гўнгга аралаштириб солайлик. Шундай қилинганда тупроқнинг унумдор қатламн қайта тикланади, чириндиларнинг мутаносиблиги вужудга келтирилади. Бу эса мўл ҳосил олиш гаровидир», дедим. Бирортаси қулоқ солмади. «Бизга, оғайни, фақат пахта керак», дейишди. Бу — биринчиси. Иккинчиси шуки, экишни ҳаддан ташқари барвақт бошлаш мумкин бўлмагани каби уни кечиктириш ҳам ярамайди. Биз юқорининг кўрсатмасини кутиб, нафақат уруғ қадашнинг қулай муддатини, балки 3—4 центнер ҳосилни бой бердик: тупроқда нам етарли бўлмаганлиги туфайли тўлиқ гектарлар ҳосил қилинмади, қатқалоқ касрида ниҳол илдиз чириш касаллигига дучор бўлди. Учинчидан... бунисн энди ҳозирги кунда латифани эслатади. Ёз ўрталарида райком вакили келди. Қуёш обдон забтига олган пайт денг. У тўққиз гектарлик пайкалнинг четида машинадан тушди-да, ичкарига бир-икки қадам юрди. «Жиноятчилар! — деди бирдан лаб-дағани гезариб. — Ғўзани чанқатиб қўйибсизлар-ку!» Биламан: ҳарорат юқори бўлганлиги учун ниҳоллар барги бироз сўлиган эди. Бу — суғталаб дегани эмас. Аксинча, ғўзанинг юқори 3—4 та ҳосил шохидан пастда гул пайдо бўлса ёки агрономия тили билан айтганда, тупроқдаги намлик миқдори 70 процентдан камлиги аниқланса, қатор оралариии албатта суғориш керак. Меҳмонга шуларни тушунтирдим. У эса ҳозироқ эгатларга сув очиш ҳақида фармойиш берди. Натижада ҳосилнинг етилиши орқага чўзилди, хом ашёнинг бир қисми кўкка совурилди.

Шунга қарамасдан бригадада пландагидан кўпроқ пахта тайёрланди. Лекин «график бўйича» оқ олтин талаб этиш давом этарди. Картада қуруқ ғўзапоядан ўзга нарса қолмаган бўлса, уни қаердан топиш керак? «Сиз накладнойга имзо чексангиз бас, бу ёғи билан ишингиз бўлмасин». Шунда деҳқон ишига юқорининг билиббилмай аралашаверишидан тоқати тоқ бўлган Туроб Асраев мавсум тугаши биланоқ ўз вазифасидан бўшаш тўғрисида ариза берди.

Сўнгра у икки йил яна механизатор бўлиб ишлади. Раҳбарлар колхозда Туроб Асраев деган пахта устаси, тажрибали бригада бошлиғи бўлганлигини гўё унутишгандай эди.

1985 йилнинг баҳор кунларидан бирида Туробни кутилмаганда правлениега чақириб қолишди.

Бу пайтда Муносиб Авазов янги раис этиб сайланганди. У аввалларн мазкур Охунбобоев номли колхозда табелчи, бригада бошлиғи, агроном бўлиб ишлаган, кейинчалик Калинин номли, Свердлов номли колхозларда раислик қилиб, янгиликкa ўтлиги, тадбиркорлиги, муҳими, одамларга қайиша олиши билан районда ва ҳатто областда танилган эди. Муносиб Авазов ўз фаолиятининг биринчи куниданоқ хўжаликни оёққа турғизишдек зўр ният йўлида қатор тадбирларни амалга оширишга киришди. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш шулардан бири эдики, шунда у ногоҳ Туроб Асраевни эслади.

— Туроб ака, — деди ёш раис салом-аликдан сўнг. — Мана тақдир тақозоси билан яна биргалашиб ишлайдиган бўлдик. Лекин хўжаликнинг аҳволи кўнгилдагидек эмас — бу мендан кўра сизга кўпроқ равшан. Деҳқончилик ва аниқса чорвачиликда туб бурилиш қилиш керак. Ерга истеъмолчилик билан муносабатда бўлиш, кўп харажат қилмасдан ҳосил олишга уриниш оғир оқибатларга олиб келди. Шуни ҳисобга олиб, правление ва партия комитети жорий йилдаёқ пахта-беда алмашлаб экиш ва ўзлаштириш йўлига ўтишга қарор қилишди. Агар беда бўлмаса, суту гўшт ҳам, мўл пахта ҳам бўлмайди, ернинг унумдорлиги ҳам ошмайди.

«Ҳаммаси тўғри, — деб ўйларди Туроб Асраев суҳбатдошининг сўзларни диққат билан тингларкан. — Аммо бу билан...»

— Мурод шуки, — Авазов гўё унинг кўнглидан кечган фикрни уққандек муддаога кўчди. — Озуқачилик бригадасини қўлга олсангиз. Ишни эскича андаза билан эмас, балки пудрат усулида, аниқроғи, онлавий звено асосида юритасиз. Эшитишимча, ўғилларингиз Азимжон билан Азамат қанотингизга кириб қолишибди. Шартномага кўра колхоз сизни ер, уруғлик, ўғит, техника ва сув билан таъминлаш мажбуриятини олади. Унда, шунингдек, звено аъзосининг иш ҳақи ва устама мукофот ҳам аниқ кўрсатилади. Ёрни экишга тайёрлаш, уруғ қадаш, ҳосил етиштириб уни саранжомлаш эса сизнинг зиммангизга тушади.Харажатларни иқтисод қилиб, пландагидан кўп озуқа етиштирсангиз — мўмай даромад сизники.

Туроб Асраев меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги усули самарали эканлигини илғор хўжаликларнинг тажрибасидан биларди: аввало онла механизациялашган ва қўлда бажариладиган барча юмушлар сифатини ўз назорати остига олади, иккинчидан, маблағлар сарф-харажати ҳар бир аъзонинг бевосита кузатуви доирасида бўлади, яъни қилинмаган ишларни қўшиб ёзишга йўл қўйилмайди, учинчидан, илм-фан янгиликларини қўлланишга имкон туғдиради ва, ниҳоят, тўртинчидан, бу бўлинмада уч авлод — кекса, ўрта ҳамда кичик ёшдаги кишиларнинг табиий равишдаги бирлашуви содир бўладики, натижада катталар ўз тажрибасини ёшларга ўргатадилар, ўсиб келаётган авлод эса меҳнат тарбиясини олади. Шу боисдан у бу ҳақда эшитгандаёқ: «Бундай усулда ишлаш баайни менинг табиатимга мос келар экан» деган хаёлга борган эди. Қарангки, янги раис бугун шунга даъват этмоқда.

Ўша йили Туроб Асраев 14,5 гектар майдонда беда ўстирди. Экиш қулай агротехник муддатда ўтказилди. Кўчатнинг мақбул қалинлиги таъминланди. Ҳар ўримдан сўнг гектарига 70—80 килограмм аммофос, 100—120 килограмм аммиак селитраси солинди, экин эҳтиёжга яраша оби ҳаётга қондирилди. Оқибатда ҳосил кутилганидан зиёда бўлди: олти ўрим мобайнида ҳар гектар ердан 268 центнердан тўймли озуқа олинди. Пландан ортиқча топширилган ҳар тонна (жами 108 тонна) бедага 20 сўмдан қўшимча ҳақ тўланди, якунда звено бошлиғининг ойлик маоши 400 сўмдан ошиб кетди.

Туроб Асраев ўз тажрибаси мисолида пудратнинг қандай куч-қудратга эгалигини исботлади. Унинг сафдошлари йил сайин кўпая борди. Пискент районидаги Охунбобоев номли колхозда ҳозирги кунда 154 та онлавий звено иш олиб бораётгани шундан далолат беради.

Жорий йилда Туроб Асраев бошлиқ онлавий звенонинг 10 нафар аъзоси 41 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Унинг 21 гектарига кузги арпа, 20 гектарига эса чигит экилган. Арпа эрта-индин ўриб олиниб, ўрнига силос учун маккажўхори уруғи қадалади. Шунда ҳар гектар ердан 40 центнердан дон, 300 центнердан озуқа тайёрланади, Айни кунларда меҳнат аҳли гектар ҳисобига 35 центнердан оқ олтин хирмони уйиш ниятида ҳар туп ғўзага меҳрини, қалб кўрини бағишламоқда.

...Туроб Асраев идорага боргач, хушхабарнинг маъносини тушунди. Эртасига Москвага учиб кетди. 13 май куни эса КПСС Марказий Комитетида агросаноат комплекси пудрат коллективларининг бир гуруҳ ходимлари билан бўлиб ўтган учрашувда қатнашди. У бундай юксак шарафга муяссар бўламан деб ҳеч қачон ўйламаган эди. Шунда ҳалол меҳнат қилган одам албатта рўшнолик кўришига амин бўлди.

Яқинда Туроб Асраевнинг даласига бордик. Меҳнат аҳли канал устига қурилган бақво, шинам шийпонда тушлик қиларди. Ҳамманинг руҳи тетик, кайфияти баланд.

— Учрашувдан сўнг биз тўғри йўл танлаганимизга тўла ишондим, — деди Туроб пудратчи Москва таассуротларини ўртоқлашаркан. — Михаил Сергеевич Горбачев: «Пудратга, ижара пудратига йўл очиш, қишлоқ хўжалигида ҳамма нарса ҳаракатга келиши учун ташаббускор кишиларга ёрдам бериш — барчага қўяётган талабимиздир» деб алоҳида таъкидлади. Бу сўзлар ғайратимизга ғайрат қўшмоқда. Ҳозиргача жами майдон 3 марта комплекс ишловдан чиқарилди. Ниҳоллар оби-тобида суғорилиб, пайкалларни бегона ўт босишига йўл қўйилмаяпти.

Биз коллектив аъзолари билан таништик. Звенода Туроб Асраевнинг хотини Турсуной опа, ўғиллари Азимжон ва Азамат, қизи Ирода ҳамда келини Дилбардан ташқари қайинсингил Анор Норова, амакилари Омон Ярашбоев ва Холмурод Эргашев, шунингдек, девор-дармиён қўшнилари Вилоят Сарварова, Гулноз Бадаловалар ишлар экан. Звенода жамики юмушларни айни шулар рўёбга чиқарадилар. Ҳамма бир-бирини тушунади ва қўллаб-қувватлайди. Каттаю кичикнинг диққат-эътибори пировард натижага қаратилган. Туроб Асраев бошлиқ онлавий звенонинг ютуғи, ибрати ҳам шунда!

Туроб пудратчилар сафи тобора кенгаяверсин!

**Икром УТБОСАРОВ.**

# ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

РСФСР

**ТОМСК.** Ҳозир Томск область «Мазаловский» совхози фермасида ҳар бир сигирдан кунига бир пуддан кўпроқ сут соғиб олинмоқда. Ҳолбуки, совхоз бундан бир йил аввал ҳам қолоқлар қаторида эди. Ижара пудрати ана шу қолоқликдан чиқишга ёрдам берди. Чорвадорлар совхоздан сигирлар, оғилхона, машина-ускуналарни ижарага олдилар. Механизмларни ўзлари созладилар, машина-ускуналарни ростладилар. Натижада биринчи йилдаёқ ҳар бир сигирдан соғиладиган сут 1200 килограммдан кўпайди. Чорвадорларнинг иш ҳақи ҳам ортди. Хўжаликнинг бошқа коллективлари ҳам янгича пудратга ўтдилар. Масалан, учта звено дон етиштиришни, иккита звено ем-хашак тайёрлашни ижарага олди.

БЕЛОРУССИЯ ССР

**МИНСК.** Минск иситиш ускуналари заводининг мутахассислари москвалик ҳамкасблари билан биргаликда зарарли тутунларни нейтраллаштирадиган юксак самарали системани ишлаб чиқдилар ва корхонада жорий этдилар. Бу эса атроф-муҳит булғанишини анча камайтиришдан ташқари, ёқилғини тежашга ҳам имкон беради. Илгари металл қуйиш операцияларидан сўнг ҳосил бўладиган учувчи компонентлар атмосферага чиқариб юборилган бўлса, эндиликда орқага қайтарилиб, вагранкаларда ёқилмоқда. Шунинг натижасида кокс сарфи ҳам анча озайди. Шундай қилиб, кўп йиллардан бери Минскнинг ҳавони булғайдиган асосий жойларидан бири бўлиб келган завод экологик жиҳатдан тоза бўлиб қолди.

ГРУЗИЯ ССР

**ТБИЛИСИ.** Зугдиди шаҳридаги «Одиши» чой комбинатида давлат қабули жорий этилди. Бу тадбир маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилиши керак. Давлат қабулидан ўтган бу йилги ҳосилдан тайёрланган дастлабки маҳсулот — олий навли «Ингури» ва «Экстра» чойларини комбинат мамлакатнинг шимолий районларига жўнатди.

Давлат қабули корхонанинг бутун иш системасини қайта қуришни талаб этди. Технологик линиялар янгиланди, бир қанча муҳим операциялар такомиллаштирилди, қайта ишлашга олиб келинаётган чой барги анализ қилинадиган лаборатория реконструкциядан чиқарилди.

Ускуналарни реконструкциялаш катта наф берди. Бунда Италия мутахассислари кўмаклашишди. Комбинат шу мавсумда 20 хил маҳсулот тайёрлаб 300 та ташкилотга жўнатмоқда.

АРМАНИСТОН ССР

**НОЕМБЕРЯН.** Арманистоннинг Ноемберян районидаги чўчқачилик фермаларининг ҳамма чўчқалари онлавий пудратга тақсимлаб берилди. Бултур ана шу усул асосида ишлаш туфайли мўлжалдаги 360 тонна ўрнига 600 тонна гўшт тайёрланди. Омухта ем сарфи учдан бир ҳисса озайди. Ҳозир райондаги барча мевазорлар ва ем-хашак экинзорлари ҳам ижарага берилди.

ОЗАРБАЙЖОН ССР

**ШУША.** Шуша ўзининг шифобахш курорти ва меъморлик обидалари билан машҳурдир. Тоғли Қорабоғ автоном областидаги ана шу кўҳна шаҳар гўзаллигини Лермонтов, Дюма, Есенин мадҳ этган эдилар, эндиликда бу шаҳар қўриқхона, деб эълон қилинди. Боку мутахассислари лойиҳасини тузаётган осма йўл бу ердаги 184 та меъморий обидаларнинг кўпини бир-бири билан боғлайди, ҳозир таъмирчилар бу обидаларни аслидагидек қилиб тикламоқдалар.

СУРАТДА: Абхазиядаги «Дружба» колхозининг илғор асаларичиси, Грузия ССР Олий Совети депутати Майма Мальв. У 80 та асалари оиласидан давлатга минг килограмм ёки планда белгиланганидан 200 килограмм кўп маҳсулот топширишга аҳд қилган.

Ш. АЙВАЗОВ ва Э. РАСОЕВ фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ТОЖИКИСТОН ССР

**ДУШАНБЕ.** Тожикистон ва Венгрия кинематографичилари суратга олган бадиий фильм «Чўлоқ дарвеш» деб аталади. Душанбе кино уйида фильм премьераси бўлиб ўтди. Янги лента венгер олими Армини Вамбери ҳаётидаги энг ёркин эпизод — ўтган аср ўрталарида унинг Ўрта Осиёга қилган саёҳати тўғрисида ҳикоя қилади. У дарвеш қиёфасида Бухорогача машаққатли йўл босиб, шу региондаги халқларнинг ҳаёти, турмуши ва урф-одатларини чуқур ўргана билган. Олим ўз таассуротларини китобларда баён қилган. Бу китоблар Ўрта Осиё ва Эроннинг биринчи этнографик тадқиқотларидан бири бўлиб қолган. Картинани режиссёрлар Валерий Аҳадов билан Йожеф Кишем суратга олганлар. Ёш венгер актёри Дюла Бенеде бош қаҳрамон образини яратган.

ЛИТВА ССР

**КЛАЙПЕДА.** «Клайпедастрой» трести ишчилари беш йиллик бошидан бери тежаб қолган материаллардан ўн икки қаватли уй қурса бўлади. Бинокорлар металл, цемент ва ёғоч-тахтани тежаб-тергаб ишлатиш юзасидан бошлашган мусобақа моддий ресурсларни тежамкорлик билан ишлатишга имкон берди. Масалан, Клайпедадаги барча қурилиш майдонларида қурилиш бўлаётган территорияни ўраб қўйиш учун йиғма элементлар, шунингдек тез йиғиш мумкин бўлган ва неча ўн марталаб фойдаланиладиган опалубкалар ишлатилмоқда. Бу эса неча юзлаб кубометр ёғоч-тахтани эшик ва дераза ромлари тайёрлашга жўнатиш имконини берди. Металл ва цементни тежаш учун ҳам бир қанча янгиликлар жорий этилди.

ЭСТОНИЯ ССР

**ТАЛЛИН.** «Эстонсланец» бирлашмасида янги истиқболли техника синовига киришилди, бу сланец қазиб олишда мукаммал технологияни қўлланиш истиқболини очади. Эстон кончилари «Нарвский» очиқ конида Чебоксар трактор заводида тайёрланган қудратли бульдозернинг тажриба намунасини ишлатиб кўрмоқдалар. Машина таркибида сланец бўлган тоғ жинсининг беҳуда исроф бўлиб кетишини камайтиради, ана шу жинсни юмшатишдек сермеҳнат ишни жўналаштиради, портловчи материалларни тежашга имкон беради. Синов чоғида ҳайдовчилар аниқлаган узеллардаги нуқсонлар бартараф этилмоқда. Конchиларнинг талаби янги ускуна сифатига баҳо беришда асосий мезондир.

ШИМОЛИЙ ОСЕТИЯ

**ОРЖОНИКИДЗЕ.** Шимолий Осетиядаги ихтисослашган хўжаликлар асал йиғиштириб олишга киришдилар, тоғ гиёҳлари ва гулларининг муаттар иси ана шу шифобахш маҳсулотга ўтгандек. Моздок, Киров, Алагир ва Правобережье районларининг колхоз ва совхозлари бир неча юз центнер асал олдилар. Кавказ тизма тоғларининг жанубий ёнбағри автоном республикада саноат миқёсидаги асаларичиликнинг йирик базаси бўлди. Ҳозир тоғ бағирларида колхоз ва совхозларнинг 2 мингдан кўпроқ асаларичилик бригадаси ишламоқда. Фақат аъло сифатли маҳсулот топширилмоқда. Шимолий Осетияда республика Агросаноат давлат комитетига киради ган ихтисослашган асаларичилик трести тузилган. Шу трест хўжаликлари замонавий, саноат миқёсидаги асаларичиликнинг негизи бўлди.

(ТАСС).

Риштон районидаги «Ленинград» совхози деҳқонлари шу кунларда истеъмолчиларга кўплаб ёз неъматлари жўнатишаяпти. Айниқса картошкакорлар ғайрат кўрсатмоқдалар. Коммунист Абдуманнон Абдурахмонов бошлиқ бригада аъзолари 25 гектар майдонда мўл ҳосил етиштиришди. Аҳил коллектив гектаридан 160 центнер ўрнига 260 центнердан картошка йиғиштириб олишни кўзламоқда.

**СУРАТЛАРДА: 1. Механизатор Қодирали Олимов. 2. Бригадир Абдуманнон Абдурахмонов ва звено бошлиғи Ато Назаров ҳосил сифатини кўздан кечирмоқдалар. 3. Картошка кавлаш пайти.**

У. ҚУШВОҚОВ фотолари.

## ШАРТНОМА АСОСИДА

Карл Маркс номли совхоз Норқўзиевлар оиласидан бир тонна гўшт олди. Уч киши шартнома асосида асосий ишдан бўш вақтида 15 та қўй ва 3 та новвосни боқиб семиртирди. Хўжалик эса ем-хашак етказиб берди, ветеринария ва зоотехника хизмати кўрсатилиши тўғрисида ғамхўрлик қилди.

Совхозда яна 10 та оила юқоридаги шартлар билан шартнома тузган. Бу иш совхозга ҳам, оилаларга ҳам фойда келтирмоқда.

Жиззах области.

# АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ВОЛГАБЎЙИ АҲОЛИСИГА

«Андижон» станциясидан Волга бўйидаги шаҳарларга янги сабзавот ортилган бир йўла икки темир йўл составн жўнатилди. Шу юкнинг ҳаммасини — помидор, бодринг, саримсоқ пиёзни Марҳамат райони аҳолиси томорқа участкаларидан йиғиб-териб олган.

Бу йилги мавсумда марҳаматликлар Россия Федерациясининг саноат марказларига 1700 тонна сабзавот ва мева етказиб бериш ниятидадирлар. Бу ўтган йилгига қараганда анча кўпдир. Мана шу салмоқли маҳсулотнинг деярли ярми район хўжалиги аҳолисининг томорқаларидан йиғиб-териб олинади.

МАШИНАЛАР ПУХТАЛАШТИРИЛДИ

Пахта териш машиналарининг айрим деталлари Учқўрғон ремонт заводида реставрация қилингандан кейин, уларнинг хизмат муддати икки баравар ошди. Бу ерда плазма билан металл юғиртириш технологияси жорий этилганлиги туфайли шунга эришилди. Янги метод деталлар ремонтининг юқори сифатли бўлишига имкон беришдан ташқари бошқа афзалликларга ҳам эга: кўпгина металл тежалади, бир қанча ишчиниинг ҳам кўли бўшайди. Ана шу ишчилар заводнинг бошқа участкаларини мустаҳкамлайдилар.

Эндиликда корхонанинг пайвандлаш цехида сермеҳнат ишларнинг 85 процентидан кўпроғи механизациялаштирилган.

БИОЛОГЛАРДА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ

«Риштон» совхозидаги биофабриканинг штат рўйхатида ўн киши қисқартирилди. «Тирик» маҳсулот — фойдали ҳашаротлар етиштириш эса қарийб икки баравар кўпайди, унинг таннархи арзонлашди. Корхона хўжалик ҳисобига ўтиши натижасида шундай бўлди.

Икки бошидан бери биофабрика тамомила мустақил бўлинмага айланди. Ҳамма текширувчилар энтомолог агрономлар, механизаторлар, унинг ихтиёрига ўтказилди. Коллектив совхоз маъмурияти билан шартнома тузди. Шартномага мувофиқ, унинг ишига фақат пировард натижага — етиштирилган ҳосил нечоғлик сақланишига қараб баҳо берилади.

Шу йил Фарғона областида ишлаб турган яна 60 га яқин биофабрика ва лабораторияларни хўжалик ҳисобига ўтказиш мўлжалланаяпти.

*Назм дафтаридан*



## Хайрли ташвишлар

Тун ярмидан оғган,
Уйқу ширин пайт.
Кимдир эшик қоқди
Чўчиб уйғондим;
Кўнгилда хавотир...
Кеча тунд, лоқайд —
Ташқарига чиқиб
Томоқ қирдим:
— Ким!
Кўча ёқдан келди
«Мен» деган овоз.
Минг ўйда эшикни очдим,
— Хўш, келинг!!
Қарасам турарди қўшнимиз Мумтоз,
Дер: — Бевақт уйғотдим, ака, кечиринг...
Келинингиз жиндек безовта алфоз,
Ҳеч гап йўқдек эди, қарангки, шомда.
Мошин топинг, — дейди қоқ тунда, бехос,
Шуни ташлаб келсак, деворим роддомга..
— Ҳозир, дейман, ҳозир,
Киймиб олай...
Отланиб мошинда чиқаман жадал.
Йўл гўё узайиб кетгандек, бай-бай,
Роддомга етамиз жонсарак, маҳтал!
Кўзимни уқалаб қайтаман аста,
Ёстиққа тегмасдан, қарангки, бошим.
Эшикни ноғара қилар бир пасда,
Наҳорги ошга, деб қўшним-тенгдошим.
Яна киймаман,
Кўчага яна,
Тўйда кўп қаторн егандан сўнг ош
Бир мизғиш ўйнда келаман, мана,
Яна иш! Гўёки ошдан чиққан тош!
Қизим туфлисининг кўчибди таги,
«Тузатиб беринг», — деб сўранар қизим,
Шу қиз оёғини бутун этмасам,
Хўш, яшаб юрибман нимага ўзим!
Туфлини косибга ташлаб келаман.
[Кечага битказиб қўймоқчи бўлдим!]
Хизматга отланиб у-бу қиламан,
Дейман, бачки ишлар тугасин, бўлди!
Аммо эшик томон юрган маҳалим,
Пулим бор-йўқлигини сўрамай ҳатто.
Хотин дер, «бозорга тушарсиз хали».
Тўрвани мошинга ташлайди шартта.
Шунақа ўтади кунларим аксар,
Тириклик қўйида билмайман тинимн.
Бошқалар ҳам балки шунақа яшар,
Ҳар кимда бор ахир тириклик, инним!
Роса зерикибди деманг сиз яна,
Буларнинг барчаси хайрли ишлар.
Ҳаёт бўларманди кўркам, мардона
Чиқиб турмаганда шундоқ ташвишлар.
Ношукурлик бўлар булардан нолиш,
Қирғин, урушлардан холимиз, омон.
Емон ташвишларга ҳеч тушмасин иш,
Ҳаёт гуллайверсин, тинч бўлсин замон!

## Уруш даври болалари

Уттизинчи йиллар туғилган авлод —
Биз уруш даврининг болаларимиз.
Ҳамон кечагидек ўксик хотирот,
Ҳамон битмагандир яраларимиз.
Кўзимизда қотмиш мунгли манзара,
Ҳавога чизганмиз шодлик расмини.
Кимсасиз бугдойзор, маъюс тог-дара
Йиғлардн биз ила у кез росмана...
Нимжон кафтимизга тушган оғир юк—
Бизларга қолмишдн у чоғ тириклик...
Мусибат зўр бўлса, бардош ҳам буюк,
Нон тугул, киймм-бош, қувонч шермиклиқ!
Аммо нолимадик қисматдан сира,
Бўлмадик бировга биз тирик товон.
Мол боқдик, қўш қўшдик мурғак қўл ила,
Катталарга бўлдик ҳамкору дармон...
Ажабмас шу кичик улушимиз ҳам
Ватан қудратини оширган бўлса.
Бизнинг туришимиз қаторда бардам,
Ажабмас, душманни шоширган бўлса...
Уруш ҳам тугадн,
Биз бўйга етдик,
Ва ошдик ҳаётда, эҳ, қанча довон.
Утган кўп ишларни ҳатто унутдик,
Тирикликка бўлиб, не тонг, андармон.
Аммо илк кечинма, интиқ кўзёшлар,
Тиқ этса эшикни пойлаш умидвор,
Тулларнинг багрида қотган дард-тошлар,
Етим ўксикликги, не кулфатки бор, —
Барн кўз олдимга келадн шундоқ,
У оғир дамларни эслаган маҳал...
Уруш деган кулфат қўйиб кетдн, воҳ,
Бизнинг болаликка шунақа ҳайкал.

## Кибр қайрағочи

Тарвақайлаб кетдн қайрағоч
Ҳар ён ташлаб шох-бутоқларин...
Назар-писанд қилмайин қўйдн
Ёндош ўсган дўст-ўртоқларин.
Дўст-ўртоқлар бўлса майлиа,
Панд бергудек чинорларга ҳам.
Гўё йўқмиш ўзидан ўзга,
Ва чиқмовчи изидан ўзга
Бирор дарахт арзирлиқ кўркам.
Толин дейдн — чирнган пўкак,
Бефайз эмиш бақатераклар.
Ёнғоқнингмиш соясн оғир,
Шафтолидан рутубат ёғур.
Булар ахир нега кераклар!
Нега анов букри олхўри
Ҳаво олсин мен-ла баробар,
Знё олсин мен-ла баробар!
Меваси ҳам кўрмсиз жуда,
Шеваси ҳам кўрмсиз жуда,
Баргин шира босганн-босган!
Лекин унга демас ҳеч дарахт—
Бир қараб қўй ўз ҳолингга ҳам;
Ҳосил бермш нима — билмайсан,
Узгаларни ерга урасан!
У мақтанар асилман, дея!
Қаддим баланд, илдизим чуқур,
Барглрим ҳам зумрадранг, кўркам,
Багрим эрур ҳамиша кўклам.
Шундоқ экан — ҳаво, ёғду-нур
Шунга ўхшаш турли мукофот
Менккидир бунда аввалам!

* * *

Тарвақайлаб кетдн қайрағоч
Ҳар ён ташлаб шох-бутоқларин,
Соя солиб, эзғилаб қўйдн
Қўнн-қўшнн, дўст-ўртоқларин.
Бир кун боғбон кўриб бу ҳолни
Ёқасини ушладн аста,
«Сенн бутаб қўймасам бўлмас,
Бошқаларга қилибсан жабр! —
Дея ишга солдн ойболта,
Ҳамда ўшал зол қайрағочнинг
Кибр қўли бўлиб чўзилган,
Ён-верига кўп қуюқ, соя —
Бадбин соя тўшаб тургувчн
Бутоқларин, пандлн шохларин
Шартта-шартта кесиб ташладн.
Боғнинг кўрки очилдн-қолдн,
Тўлдн ҳаво, ҳарорат, нурга.
Ҳамма олдн эркин, тенг нафас...
Ҳнсса шукр, агарда боғбон
Кўзн ўткир, кўнгли пок бўлса,
Боғлараро бўлмас эгри шох,
Қайрағочлар тарвақайламас!

Раззоқ АБДУРАШИД.

# ШИНГИЛ ХАБАРЛАР

ФАРҒОНА. «Комсомол» колхозида (Олтиариқ райони) меҳнаткашлар учун яна бир қулайлик яратилди. Қурувчилар 180 ўринли «Орзу» ясслсини фойдаланишга топширдилар. Айни кунларда хўжалик территориясида чойхона ва ошхона бинолари қурилиши ҳам жадал бормоқда.

**Ғ. САМАДОВ.**

* * *

АНДИЖОН. Ҳўжаобод районидаги Абдулла Набиев номли колхознинг 14 оиласи ҳовли тўйи ўтказади. Йил охиригача яна 35 та уй қуриб битказилади.

**М. ЧУМИРЗАЕВ.**

* * *

ҚАШҚАДАРЁ. Деҳқонобод район марказида 700 ўринли кинотеатр фойдаланишга топширилди. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамат Абдумуродов номи берилди.

**А. РАҲИМОВ.**

* * *

НАМАНГАН. Жданов номли ўрта мактабда (Чуст райони) ҳашар йўли билан 140 ўринли ошхона барпо этилаяпти. Унда Жўрабой Тоғаев, Қаҳҳор Абдиев, Орифжон Соатов, Мирзавали Бойсоқов сингари ўқитувчилар алоҳида жонбозлик кўрсатишаяпти. Педагоглар ошхона қурилишини яқин кунларда битказиш ниятидалар.

**О. АЛИБОЕВ.**

* * *

ЖИЗЗАХ. Чўлда бунёд этилган Пахтакор шаҳри йил сайин ободонлашиб бораяпти. Яқинда Тинчлик хиёбонида «Гўзаллик салони» фойдаланишга топширилди. Кўркам бу бино шаҳар чиройини янада очиб юборди.

**О. САИДОВ.**

* * *

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Навоий номли колхоз (Бекобод райони) электромонтёри Сафар ака Кенжаев 42 йилдан бери ўз касбини эъзозлаб келади. Унинг камтарона меҳнатлари муносиб тақдирланган. Энг асосийси эл олқишига, меҳнаткашлар ҳурматига сазовор бўлди. Сафар ака Фарҳод ГЭСи қурилишида ҳам фаол иштирок этган. Унинг кўплаб шогирдлари бор.

**Ҳ. ОТАҚУЛОВ.**

* * *

САМАРҚАНД. Ургут районидаги «Ленинград» колхозининг Қайроқли қишлоғида фойдаланишга топширилган боғчага «Бойчечак» номи берилди. 100 ўринга мўлжалланган бу мактабгача тарбия муассасида кичкинтойларнинг яйраб ўсишлари учун барча шароит муҳайё.

**Е. ЮЛДОШЕВ.**

Қишлоқда хотин-қизлар билан ишлаш муаммолари

# ДИЛЛАРИДА ДОСТОНЛАРИ КЎП

Маълумки, хотин-қизлар фаолиятини кучайтириш кўп жиҳатдан уларнинг маданий савиясини ошириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, турмуш тарзини яхшилаш, билим доирасини кенгайтириш билан бевосита боғлиқ.

Бунда клуб муассасалари муҳим ўрин тутади. Бўстонлиқ, Яккабоғ, Комсомолобод районларида бу борада ибратли ишлар амалга оширилаяпти.

Бўстонлиқ район маданият уйида ташкил этилган «Гулёр» фольклор ансамбли иштирокида аёллар ўртасида турли мавзуда суҳбатлар, баҳс кечалари мунтазам ўтказилиб турилади. Бу тадбирлар «Дин — хотин-қизлар озодлиги душмани», «Келинликнинг тўрт фасли», «Аёллар баҳслашганда» каби кечалар ўтказилиши хотин-қизларни клубга кўпроқ жалб этишга, улар билан иш олиб боришни янада жонлантиришга ёрдам бермоқда.

Яккабоғ район «Ирригатор» маданият саройида «Дугоналар клуби» мунтазам ишлаб турибди. Райондаги хотин-қизлар кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган «Намунавий хонадон билан танишиш», «Замонавий кийимлар намойиши», «Тантанали никоҳ» каби тадбирлар ибратлидир. Бу ерда ёш келин-куёвлар ва хотин-қизлар учун намуна сифатида уй безатилади. Белгиланган вақтларда уй тутиш қоидалари ҳақида мутахассислар суҳбат ўтказадилар.

Аммо хотин-қизлар ўртасида маданий-тарбиявий ишларни ташкил этишни бугунги кун талаби даражасида деб бўлмайди. Ўзбекистон шароитида хотин-қизларнинг бўш вақти эски расм-русумлар ва зарарли урф-одатлар, ортиқча уй-рўзғор ишлари билан боғланиб қолиши, уларни клубга жалб этишга кўп жиҳатдан тўсқинлик қилади. Клуб муассасаларида ўтказилаётган тадбирларда ҳам улар кўпинча томошабин сифатидагина қатнашмоқдалар, холос. Бу каби ҳолларни Ғузор, Ленин йўли, Нишон, Ғаллаорол районларида учратиш мумкин.

Қишлоқда яшовчи аёллар эрта тонгдан кечгача қишлоқ хўжалиги ёки уй-рўзғор ишлари билан банд бўладилар. Аммо яшаш шароитининг яхши эмаслиги, дам олишнинг уюштирилмаганлиги сабабли «бир хилда» ўтадиган кунлардан зерикиш натижасида воқеа-ҳодисаларга лоқайд қараш одат тусига кириб қолган.

Биз Қашқадарё область Ғузор районидаги хўжаликларда яшовчи хотин-қизлар билан суҳбат ўтказиш, анкета тарқатиш йўли билан уларнинг талаб-истакларини ўрганиб чиқдик. Райондаги «Дружба» совхозида жами 860 хотин-қиз яшайди, шундан 366 таси совхозда ишлайди. Улар орасида қаҳрамон оналар, ишлаб чиқариш илғорлари бор. Хотин-қизлар катта ишчи кучи ҳисобланган бу хўжаликда улар билан иш олиб борадиган бирорта ҳам мутасадди йўқлиги аниқланди. Ҳолбуки, совхозда 1 мингдан ортиқ ишчи-хизматчи ишлайди. Ҳудди шундай аҳвол Ғузор районидаги «Ленинград» колхозида ҳам кузатилди. Бу ерда ҳам хотин-қизлар билан ишлайдиган ходим йўқ. Ҳолбуки, колхозда 1 мингдан ортиқ ишчи-хизматчи ишлайди.

Қишлоқ қизлари эса асосан бошқа жойларга бориб ўқиб, ишламни хоҳлашади. Анкета саволларига берилган жавоблардан шу нарса маълум бўлдики, етмиш фоиз аёллар санъатнинг турли соҳаларига қизиқади, аммо шуғулланиш учун имконият йўқ. 85 фоиз хотин-қизлар клуб очилиши ҳақида фикр билдиришган. Совхоздаги мавжуд кутубхонадан фойдаланиш ҳам эътибордан четда.

Улар билан суҳбатлашганимизда, «Ёшлигимизда ўроқ ўриб, ўзимизча қўшиқ хиргойи қилар эдик, ўзимиз тўқиган қўшиқларда ўша пайтдаги оғир аҳволимизни куйлаб, енгил тортардик. Ҳозирда аёлларнинг қўшиқ куйлаб телевизорларда чиқишини кўриб, ўзимизни ўйлаб қоламиз. Бизга ҳам эътибор берсалар, дилимизда айтилмаган достонларимиз кўп», — дейди Қаҳрамон она Рўзи Хидирова.

Қишлоқ жойларда яшаб ишловчи аёллар ва уй бекаларининг кундалик турмушига назар ташланса, уларнинг бўш вақтлари жуда камлиги маълум бўлади. Дала шийпонларида эса маданий дам олиш учун деярли шароит йўқ. «Энг яхши» лари кўргазма учун ташкил қилинган.

Сурхондарё, Қашқадарё областлари хўжаликларида ўтказилган тадқиқотлар натижасида 60 процент аёллар клуб ҳақида тасаввурга эга эмаслиги, 76 процентига эса маданий хизматнинг бирор тури ҳам кўрсатилмаслиги маълум бўлди. «Сиз қандай шароитларда кўпроқ меҳнат қиласиз?» —деган саволга 59 фоиз хотин-қиз «Маданий хизмат яхшиланганда», — деб жавоб беришган. 63 фоизи эса иш шароитлари яхшиланишини талаб қилишган. Кўп вақтлари далада ўтаётган бу пахтакор аёлларнинг қизиққан соҳалари бўйича шуғулланишга имкониятлари йўқ. Бир колхозчи аёл шундай дейди: «Бизнинг дам олишимиз кимни ҳам қизиқтиради, раҳбарларга фақат план керак. Бригадамизга келган кишилар ҳам биз билан эмас «катталар» билан гаплашади. Бирор нарса талаб қиладиган бўлсак, қуруқ ваъдалар эшитамиз. Ҳатто оддий концертлар ҳам уюштирилмайди...».

Хотин-қизларнинг бўш вақти мазмунли уюштирилмаганлиги сабабли улар бир жойга тўпланишиб, диний ақидаларни тинглаш, турли маросимлар ўтказиш билан банд бўладилар.

Нишон, Чироқчи, Деҳқонобод, Яккабоғ районларида аёллар ўртасида «Бибисешанба», «Мушкулкушод» каби диний маросимларни ўтказилишини кузатдик. Бу маросимлар кўпчилик хонадонларда тўйдан олдин бўлиб, унда қилинажак тўй яхши ўтиши учун олдиндан «бибиларга» аталган нарсалар берилади. Маросимда асосан аёллар қатнашади, уларга «отинойи» диний ақидалардан ўқиб бера бошлайди, атрофдагилар эса унга тасанно ўқиб, «махсус рўмол»га танга, пул ва бошқа майда-чуйдаларни ташлаб турадилар. Бир неча хилда таомлар тайёрланиб, «яхши ният» билан одамларга тарқатилади. Қизиқ, саволимизга «дам олишга вақт йўқ», деб жавоб берган кўплаб аёллар ушбу тадбирлардан сира қолмайдилар. Демак, вақт топишар экан. Гап аёллар бошини қовуштира олишда, бунинг учун ранг-баранг янгича тадбирлар уюштира билишда экан. Бу ҳақда мутасадди ўртоқлар жиддий ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

Клубларда тез-тез ташкил этиладиган «Иқбол», «Балли, қизлар», «Нафосат» конкурсларининг қатнашчилари эса асосан ёшлар. Аммо, уларга кўп жиҳатдан ибрат бўла оладиган, оилавий муносабатларни ҳал этишда маслаҳат берадиган, бой миллий урф-одатларимизни яхши биладиган ўрта ва катта ёшдаги аёллар бундай кечаларга таклиф этилмайди ҳисоб.

Шу ўринда жойларда хотин-қизлар кенгашлари ишини активлаштириш ва хотин-қизлар клубини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Хотин-қизлар клубининг асосий вазифаси — аёлларда ғоявий-сиёсий онгни тарбиялаш, маданий-тарбиявий ишларни кучайтириш, зарарли урф-одатларга барҳам бериш, бадиий ҳаваскорлик ижодиётида уларнинг ўрнини кенгайтиришдан иборатдир. Клуб мутасаддилари маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш корхоналари, жамоат ташкилотлари, маҳалла комитети қошида иш олиб боришлари мумкин.

М. И. Калинин шундай деган эди: «Маданиятни, айниқса хотин-қизлар ўртасида кўтариш керак. Чунки аёллар болаларга эркакларга қараганда кўпроқ таъсир ўтказадилар...» Шу маънода тез-тез «Аёллар гурунги» ўтказиб турниш яхши самара беради. Уни дала шийпонларида, бевосита ишлаб чиқариш жойларида ҳам уюштирса бўлаверади. Уларга маиший-хизмат уйи ходимлари, педагог ва врачлар таклиф этилса, қизиқарли ўтади.

Қайта қуриш, ошкоралик тантана қилаётган бир пайтда хотин-қизлар турмушини яхшилаш нафақат жамоат ташкилотларининг, балки жойлардаги партия ва совет органларининг ҳам муҳим вазифасидир. Шундай экан, масалага бўлган эътибор ҳар томонлама кучайтирилиши лозим.

**М. ТЎЛАЕВА,**
**Тошкент давлат маданият институти маданий оқартув ишлар факультетининг дипломанти.**



## ОҲАНГАРОН УЗРА «ТИНЧЛИК ТЎЛҚИНИ»

Японнянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларида янграган бонг Оҳангаронда ҳам акс-садо берди. Утган ҳафта бу ерда «Тинчлик тўлқини»га бағишланган юришлар, намойишлар ўтказилди. Урушга қарши митинглар «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасида бошланди. Сўнгра оммавий сайил бўлиб ўтди. Кўча ва хиёбонларда бадиий ҳаваскорлар ўз санъатларини намойиш этдилар. Кечгача бирдамлик ярмаркаси ишлаб турди.

СУРАТЛАРДА: 1. Митинг қатнашчилари. 2. «Тинчлик тўлқини» шаҳар кўчалари бўйлаб бораяпти. 3. Расмлар конкурси.

А. ЗУФАРОВ фотолари.

## СПОРТ ахборотн

### ЧИМ ХОККЕЙИ

СССР чемпионатининг олий лигасида иштирок этаётган хотин-қиз командалари ўртасида навбатдаги учрашувлар ўтказилди. Ўйинлар жадвалида карвонбошилик қилаётган «Андижанка» қўш ғалабага эришиб, мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. Андижонликлар Тирасполнинг «Текстильщик» командасини мағлубиятга (1:0, 3:0) учратдилар. Бу ютуқлардан сўнг улар тўпланган очко 22 тага етди.

Кучлилар сафида республикамиз шарафини ҳимоя қилаётган иккинчи вакилимиз — пойтахт областининг «Политотдел» командаси ҳам ўтган турда муваффақиятли қатнашиб, мухлисларини хушнуд этди. Колхоз хоккейчи қизлари Гродноннг «Ритм» коллективини икки бор енгдилар — 1:0, 2:0.

Бошқа ўйинлар қуйидаги натижаларни берди: «Спартак» (Москва) — «Спартак» (Москва области) — 0:5, 1:0, СКИФ (Москва) —ТТУ (Горький) — 1:0, 1:0, «Связист» (Боку) — «Колос» (Борисполь) — 0:3, 0:2, «Связист» (Олмаота) — «Таурас», (Шяуляй) — 0:2, 1:0.

### ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

| | У | О |
|---|---|---|
| «Андижанка» | 14 | 22 |
| «Колос» | 12 | 20 |
| СКИФ | 14 | 20 |
| «Политотдел» | 14 | 20 |
| «Связист» (О) | 14 | 18 |
| «Ритм» | 14 | 14 |
| «Спартак» (М. о) | 12 | 10 |
| «Связист» (Б) | 14 | 10 |
| «Текстильщик» | 14 | 10 |
| «Таурас» | 14 | 10 |
| ТТУ | 16 | 6 |
| «Спартак» (М) | 14 | 4 |

### БОКС

Олимпиада олди халқаро мусобақаси ниҳоясига етди. Ленинград телевидениеси совринн учун ўтказилган турнирда айниқса СССР ва Куба боксчилари ўзларини кўрсатдилар. Пировардида фақат улар финалда иштирок этдилар.

Мутахассислар фикрича, бир учрашувгина кутилмаган натижа берди СССР биринчилиги совриндори Т. Скрябин (51 килограммгача) жаҳон чемпиони П. Рейесни енгди.

Бошқа вазнларда А. Маҳмутов, А. Артемьев, М. Казарян, Х. Гонсалес, Г. Эрнандес, Х. Лемус, Х. Л. Эрнандес, А. Эспиноза, Н. Шонавазов, Ф. Савон ва А. Прячников ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилдилар.

### БАСКЕТБОЛ

Куала-Лумпурда Олимпиада-88 йўлланмаси учун финал турнири бошланди. Бунда Австралия, Италия, ХҲР, Югославия, Болгария, Чехословакия, Польша ва СССР аёллар терма командалари иштирок этишаётир.

Мамлакатимиз вакиллари биринчи учрашувда Польша терма командасини мағлубиятга (97:44) учратдилар.

Австралия — Италия учрашувида 62:57 ҳисоби қайд этилди.

### ФУТБОЛ

Тулон шаҳрида (Франция) ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнир якунланди. Ҳал қилувчи матчда Франция ва Аргентина терма командалари куч синашдилар.

Ўйиннинг асосий вақтида ғолиб аниқланмади — 2:2. Натижада қўшимча вақт белгиланди. Бунда омад францияликлар томонида бўлди — 4:2.

Учинчи ўрин учун Болгария ва СССР терма командалари учрашдилар. Ўйиннинг асосий ва қўшимча вақти 1:1 ҳисобида тугади. Пенальти бўйича болгариялнклар ғалаба (5:4) қозониб бронза медалини қўлга киритдилар. Мамлакатимиз ёшлари тўртинчи ўрин билан кифояланишди.

**«Қишлоқ ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 17 июнь, жума куни чиқади.**

**Редактор ўринбосари**
**Н. ЕҚУБОВ.**

## ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА

### 16 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

● МТ I

7.00 **«120 минут».**
9.05 Футбол. Европа чемпионати. Англия — Голландия терма командалари. 2-тайм. Ирландия — СССР терма командалари.
11.35 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар.
16.45 «Қайта қуриш прожектори».
16.55 Мультфильмлар премьераси: «Ўжар Мурод», «Бувимнинг сабоқлари».
17.15 «Музикали хазина». Г. Свиридов асарларидан концерт.
18.05 **«Инсон ва қонун».**
18.35 «Бизнинг бурчимиз». Катунь ГЭСи қурилиши муносабати билан Тоғли Олтойнинг тақдири ҳақида.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «Кемадаги балерина». Мультфильм.
19.50 Футбол. Европа чемпионати. Ирландия — СССР терма командалари. ГФРдан кўрсатилади.
21.30 **«Время».**
22.05 «Қайта қуриш прожектори».
22.15 **«Пойтахтдан пойтахтга». СССР Олий Советнинг депутатлари ҳамда АҚШ конгресси аъзоларининг учрашув-телекўприги. 1988 йилнинг май —июнь ойларида Москвада бўлиб ўтган олий даражадаги Совет — Америка учрашуви якунларининг муҳокамаси.**

Кўрсатув тугагач (тахминан 00.30) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Озарбайжон ССР Давлат рақс ансамблининг концерти. Бокудан кўрсатилади.
9.50 «Передвижниклар». Илмий-оммабоп фильм.
10.15 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.45 Болалар учун фильм. «Таътилдаги саргузаштлар». 4-серия.
12.15 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
12.45 «Уруш йилларининг хусусий хроникаси». Телевизион фотоконкурс.
13.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 3-фильм.
13.45 Янгиликлар.
13.55 **«Оналар, ойижонлар».** Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киев).
14.15 **Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. «Қизил ва қора».** 4-серия.

* * *

18.35 Янгиликлар.
18.45 Халқ куйлари.
18.55 Ритмик гимнастика.
19.25 Халқаро ҳаёт Бош редакцияси таништиради: «9-студия». Москвада олий даражадаги Совет — Америка учрашуви якунларига доир. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради.
20.25 **«Сени севаман, ҳаёт».** Телевизион фотоконкурс.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 **«Одесса альтернативаси».** Ҳужжатли фильм премьераси (Украина кинохроника студияси).
20.55 «Қўшиқ айтмай туролмайман». Д. И. Менделеев номли Москва химия технология институти академик хори иштирокида концерт-очерк.
21.30 **«Время».**
22.05 «Қайта қуриш прожектори».
22.15 «Дўстлар ва йиллар». Бадиий фильм. 1-серия («Ленфильм»).
23.20 **«Андрей Рублев».** Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («ЛНФ»).
23.50 Янгиликлар.

● УзТВ

15.00 Болалар учун фильм. «Сережа» («Мосфильм»).
16.20 «Абитуриент-88». Химия.
16.55 «Нева проспекти бўйлаб сайр». Телефильм.
17.05 Болалар учун театр. М. Хайруллаев. «Олам сеники». Сурхондарё область музикали театрининг спектакли.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Оқ бўталоқ». Мультфильм.
18.30 «Инсон болаликдан бошланади» (рус.).
19.00 **«Агросаноат ва Озиқ-овқат программаси».**
19.40 **«Кўр кўроналик оқибати».** Ҳужжатли фильм премьераси («Узбектелефильм»).
20.00 **«Ахборот»** (рус.).
20.20 **«КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларнин муҳокама қиламиз».**
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Тошкент Маданият институти педагог ва студентларининг концерти.
21.30 Москва. **«Время».**
22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори».
22.15 «Ретро». Экранда — «Ўзбекфильм» киностудиясининг фильмлари. «Асал». Бадиий фильм (1940 й.).
23.40 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р—13981. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 2021. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12